

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИНГЛИЗ ТИЛИ
АМАЛИЙ КУРСИДАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

нофилологик йўналишда инглиз тилини хорижий тил сифатида ҳамда филологик йўналишда
инглиз тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасалари илк
(Basic user, Break through A1) босқич талабалари учун

ТОШКЕНТ – 2011

Тузувчилар:

- А.А.Исмаилов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ф.ф.н.,
доцент
- Т.К.Саттаров Тошкент давлат юридик институти, п.ф.д., профессор
- Ж.Ж.Жалолов Тошкент давлат педагогика университети, ф.ф.н.,
профессор
- И.И.Ибрагимхўжаев Тошкент давлат иқтисодиёт университети, фил.ф.ф.н.,
доцент

Такризчилар:

- М.Т.Ирискулов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, ф.ф.н.,
профессор
- З.К.Саитқулов Тошкент ахборот технологиялари университети, ф.ф.н.,
доцент
- Б.С.Ражабов Ўзбекистон жисмоний тарбия институти, п.ф.н., доцент

**ИНГЛИЗ ТИЛИ
АМАЛИЙ КУРСИДАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Нофилологик йўналишда инглиз тилини хорижий тил сифатида ҳамда филологик йўналишда
инглиз тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиладиган олий таълим муассаслари илк
(Basic user, Break through A1) босқич талабалари учун

Ўқув-услубий мажмуа олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик
бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2011 йил «__» _____даги __-
сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

Сўз боши	4
Инглиз тили амалий курсининг ўқув дастури	5
Илк босқич ишчи дастури	43
Илк босқичга оид адабиёт	44
Илк босқич таълимининг технологик харитаси	45
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш	46
Илк босқич курсининг материаллари, услубиёти, дарс жадваллари	55
Фонетик қоидалар банки	72
Грамматик қоидалар банки	77
Таркибида аудиомашқ қўлёзмаси (скрипти) билан таъминланган ўқитувчига мўлжалланган кундалик инглиз тили “манбалар” тўплами – Resource Book	102
Таркибида аудиомашқ қўлёзмаси (скрипти) билан таъминланган ўқитувчига мўлжалланган машқлар тўплами – Home Study Book	136
Мулоқот малакаларини ривожлантиришга қаратилган лаборатория машқлари – English Patterns Drill Script (EPD).....	169
Давлатчилик йўналишидаги инглиз тили материаллари – Units 1-3	183
Иқтисодиёт йўналишидаги инглиз тили материаллари – “Манбалар” тўплами (Resource Book). Units 1-3.	225
Иқтисодиёт йўналишидаги инглиз тили материаллари – “Машқлар” тўплами (Work Book). Units 1-3.	244
Илк босқичда кундалик инглиз тилидан мустақил иш фаолиятни таъминлайдиган интерактив электрон дарслик тафсилоти	270

Сўз боши

Сўнгги йиллар давомида жаҳон миқёсида рўй бераётган глобаллашув, интеграция жараёнлари, чет тили ўқитиш методикасига яқин бўлган фанларда эришилган ютуқлар хорижий тил таълими методикасида тубдан бурилиш ясалишига олиб келди. Чет тилининг жамиятдаги мақоми ўзгарди, унинг функциялари кенгайиб бормоқда. Хорижий тилларга дунё миқёсида юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларини тезлаштириш нуктаи назаридан маданиятлараро мулоқотни амалга оширувчи восита, шунингдек, ҳар бир мутахассис касбий лаёқатининг етакчи компонентларидан бири сифатида қаралмоқда.

Республикамизда хорижий тилларни ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Барча таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш йўлга қўйилган, ўқувчи, талаба ва барча тоифадаги тил ўрганувчилар замонавий ўқув адабиётлари билан таъминланган. Бир қатор университет ва педагогика институтларида малакали хорижий тил ўқитувчилари тайёрланмоқда. Бироқ республикамизнинг хорижий мамлакатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши ҳар бир мутахассисдан чет тилини мукамал ўзлаштиришни ва хорижий ҳамкасблар билан тўғридан-тўғри мулоқот қила олишларини тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 17 декабрь куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида олий таълим муассасаларида информацион технологиялар, хусусан Интернетдан самарали фойдаланиш ва касбий фаолиятда инглиз тилини қўллаш учун амалий кўникмаларга эга бўлиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 19 январдаги “Таълим муассасалари битирувчиларининг инглиз тилини билишлари ҳамда компьютер технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг таянч кўникмаларига эга бўлишларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш тўғрисида” ги 21 –сонли буйруғида фан, техника, технологияларнинг жадал ривожланиши, замонавий билимларни эгаллашда халқаро ахборот манбаларидан фойдаланиш зарурати таъкидланган ва ҳар бир олий таълим муассасаси талабаларининг информацион технологиялар ҳамда инглиз тилини билиш ва амалда қўллаш олишларини таъминлашга қаратилган вазифалар қўйилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуада Ўзбекистон Республикасида инглиз тилини ўқитиш тизимлари, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда хорижий тилни ўзлаштириш даражалари ва уларнинг методик тафсилоти, инглиз тили амалий курсининг тузилиши, инглиз тили амалий курсининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги, инглиз тили амалий курсининг мақсади ва вазифалари, таълим жараёнида фойдаланиш учун тавсия қилинаётган интерактив электрон дарсликнинг хусусиятлари, талабаларининг мустақил ишларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, илғор педагогик технологиялар ёрдамида интенсив таҳсил бериш услубиёти ва дарс жадваллари, талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш бўйича тавсиялар, ишчи дастури, илк босқичда фойдаланиладиган ўқитиш материаллари, таълимнинг технологик харитаси, рейтинг назорати ва баҳолаш мезонлари, таркибида аудиомашқ қўлёзмаси (скрипти) билан таъминланган ўқитувчига мўлжалланган “манбалар” тўплами (Resource book), машқлар тўплами (Home Study Book), нутқ малакаларини ривожлантиришга қаратилган лаборатория машқлар иловаси (EPD), давлатчилик ва иқтисодиёт йўналишидаги “манбалар” тўплами (Resource Book), мазкур йўналишлардаги машқлар тўплами (Work Book) баён этилган ва таркибида илк босқич интерактив электрон дарслиги ва аудиомашқларга оид лазер дисклари келтирилган.

Бугунги кунда инглиз тили амалиётда қўлланилиш даражаси жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Умид қиламизки, ушбу мажмуа талабаларнинг инглиз тили бўйича кўникма ва малакаларини маданиятлараро эркин мулоқот даражасида ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ _____
20__ йил «____» _____

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг
20__ йил «____» _____даги
«____» - сонли буйруғи билан
тасдиқланган

ИНГЛИЗ ТИЛИ

амалий курсининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳалари:

- 100 000 – Таълим
- 200 000 – Гуманитар фанлар ва санъат
- 300 000 – Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ
- 400 000 – Фан
- 500 000 – Инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари
- 600 000 – Қишлоқ ва сув хўжалиги
- 700 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
- 800 000 – Хизматлар

Таълим соҳалари: Олий таълим классификаторида қайд этилган тегишли барча таълим соҳалари

Таълим йўналишлари: Олий таълимнинг тегишли барча таълим йўналишлари учун

Тошкент – 2011

Курснинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 20__ йил «__» _____даги ____ - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат юридик институти ва Тошкент давлат педагогика университети мутахассислари ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Исмаилов А.А. – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, ф.ф.н.
Саттаров Т.Қ. – Тошкент давлат юридик институти инглиз тили кафедраси мудири, п.ф.д., профессор
Жалолов Ж.Ж. – Тошкент давлат педагогика университети профессори, ф.ф.н.

Такризчилар:

- Ибрагимходжаев И.И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, чет тиллар кафедраси доценти, ф.ф.н.
Хамдамов Т.Б. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.н.
Сатимов Ғ. – Тошкент давлат педагогика университети доценти, ф.ф.н.
Ирискулов М.Т. – Республика тил ўқитиш маркази директори, ф.ф.н., профессор
Н.Рахимова – Тошкент давлат шарқшунослик институти, ф.ф.н., доцент

Ушбу намунавий дастур бакалавриат таълим йўналишлари (нофилологик йўналишлар ҳамда тегишли филологик йўналишларда иккинчи хорижий тил сифатида) талабаларининг инглиз тили бўйича билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга мўлжалланган.

Курснинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиққа тавсия қилинган (20__ йил «__» _____даги ____ - сонли баённома)

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ

Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш эгилувчан хусусиятга эга бўлиб, у талабаларнинг турли эҳтиёжларини қамрайдиган, ҳар бири махсус босқичлардан иборат бўлган турли ўқитиш тизимларидан иборат. Улар қуйидагилардир:



Кўрсатиб ўтилган ҳар бир таълим тизими ўз навбатида кичик таълим тизимлари (масалан, халқ таълими тизимида 5-9, 2-9 синфларда ўқитиш) ва босқичлардан (у ёки бу синф ўқувчилари ёки курс талабаларида) иборат. Албатта, инглиз тилини ўқитиш тизимлари қанча кўп бўлса, шунча эгилувчан, тахсил олувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қамрайдиган бўлади. Аммо мазкур ҳолат ўзига хос муаммолардан ҳоли эмас. Масалан, ўрта махсус таълим тизимида ўқишни бошлаётган талабалар (халқ таълими муассасаларидан сўнг) икки тоифага бўлинади:

- 5-9 синфларда инглиз тилини ўрганган ўқувчилар;
- 2-9 синфларда инглиз тилини ўрганган ўқувчилар.

Маълумки, тил ўрганувчиларининг эришган билим, кўникма ва малака даражалари бир хил бўлмайди. Шундай экан, юқорида қайд этилган ва турли билим, кўникма ва малакалар даражасига эга бўлган ўқувчилар коллеж ёки лицейнинг (ёки олий таълим муассасасининг) биринчи курс тахсилини ягона дастур ва ўқув адабиётлари бўйича ўтишлари мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган (араб, ҳинд, хитой ва ҳ.к.) умумий ўрта таълим

мактабларида хорижий тилни ўқиган ўқувчилар навбатдаги таълим тизимидаги босқичда (масалан, коллеж, лицейларда, олий таълим муассасаларида) мазкур тил ўқитилмаётган бўлса, қайси дастур ва ўқув адабиётлар бўйича инглиз тилини ўрганишлари лозим бўлади? - деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Шу ва шунга ўхшаш вазиятлар билан олий ва ўрта махсус таълим тизимида ишлайдиган ўқитувчилар тез-тез дуч келиши одатий ҳолатга айланган. Бу муаммоли вазиятни айнан шу ўқитувчиларнинг ўзлари ижобий ҳал қилишлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Одатда бундай ҳолларда таҳсил бошида гуруҳларни “а”, “b”, “с” тоифаларга (ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларга таянган ҳолда) ажратиш тажрибаси кенг тарқалган.

Шундай қилиб, навбатдаги (масалан, 9 синфдан сўнг, ёки бакалавриятнинг 1 курсидан) босқич таҳсилани бошламоқчи бўлган ўқувчи/талабаларни (инглиз тилидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари нуқтаи назаридан) табақалаштирмоқчи бўлсак, уларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1. Инглиз тили ўрганишни ихтисослаштирилган мактабнинг 2 синфидан бошлаган ўқувчилар;
2. Инглиз тилидан таҳсилни 5 синфдан бошлаган ўқувчилар;
3. Махсус инглиз тили курсларида таҳсил олган ўқувчилар;
4. Мактабда бошқа хорижий тилни ўрганган ва навбатдаги босқичда мазкур тил бўйича таҳсилни ташкил этиш имконияти йўқлиги сабабли инглиз тилини илк босқичдан ўқиш эҳтиёжига эга талабалар;
5. Субъектив ва объектив сабабларга кўра таҳсилнинг навбатдаги босқич талабига жавоб бермайдиган ўқувчилар.

Бундай ҳолатларда дастур ва ўқув материалларни узвийлик тамойилига мувофиқлаштириш ва унда талабалар эҳтиёжини ҳисобга олиш зарурияти туғилади. Ушбу зарурият Ўзбекистон шароитида инглиз тили ўқитишнинг эгилувчан тизими талабларига жавоб берадиган дастур ва ўқув материаллари яратишга замин яратади. Бунда:

- юқорида қайд этилган таълим тизимларининг ҳар бири учун алоҳида инглиз тили ўқитиш бўйича дастур ва ўқув материалларини яратиш;
- инглиз тилини ўқитиш тизими билан параллел ишлайдиган интенсив босқичма-босқич ўқитиш тизимини қўшимча равишда яратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи ҳолатда ўқув дастурлари ва материаллари турларининг кўпайиши кутилади ва бу ҳолат таҳсил жараёнини бошқаришга салбий таъсир этиши мумкин. Иккинчи ҳолатда олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари учун параллел равишда ишлайдиган, унификациялаштирилган инглиз тилини интенсив босқичма-босқич ўргатиш тизими, дастурлар ва таълим материалларини яратиш таклиф этилади.

Тилни эгаллаш даражаси чексиз бўлганлиги, тил ўрганишга ажратиладиган вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, тилдан турли вазиятларда турли даражада фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олиниб жаҳон миқёсида тилни ўзлаштириш даражалари тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларда жорий этилган.

2. ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда хорижий тилни ўзлаштириш компетенцияси 3 даражали классик тизимга асосланган. Бу тизим Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг барчасида жорий этилган (Қаранг: *Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, преподавание, оценка.* - Страсбург, 1996).

Мазкур тизим 3 даражали классик тизимга А, В, С (базавий, ўрта ва юқори даража) асосланган бўлиб, ўз навбатида ҳар бир даража 2 поғонадан иборат. Улар қуйидаги жадвалда ифодаланган:

Тилни ўзлаштириш даража ва поғоналари

<p><u>A</u> Тилни ўзлаштиришнинг илк даражаси (Basic user)</p>	<p><u>A1</u> Тилни ўзлаштиришнинг илк даражаси (хорижий тилни ўзлаштириш бўйича тил ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг илк шаклланиш даражаси) (Break through)</p> <p><u>A2</u> Тилни ўзлаштиришнинг бошланғич даражаси (хорижий тилни ўзлаштириш бўйича тил ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакалар шаклланишининг бошланғич даражаси) (Waystage)</p>
<p><u>B</u> Тилни мустақил ўзлаштириш даражаси (Independent user)</p>	<p><u>B1</u> Тилни ўзлаштиришнинг қуйи-ўрта даражаси (Threshold)</p> <p><u>B2</u> Тилни ўзлаштиришнинг ўрта босқич даражаси (Vintage)</p>
<p><u>C</u> Тилда эркин мулоқот қилиш даражаси (Effective Operational Proficiency and Mastery Level)</p>	<p><u>C1</u> Тилни касбий эгаллаш даражаси (Effective Operational Proficiency)</p> <p><u>C2</u> Тилни мукамал эгаллаш даражаси (Mastery)</p>

3. ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ КУРСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Республикамизнинг барча таълим муассасаларида хорижий тил таълими табақалаштирилган ёндашув асосида олиб борилади. Бу ёндашувга мувофиқ таълим босқичма – босқич узвий шаклда амалга оширилади. Нофилологик йўналишда хорижий тил сифатида ҳамда филологик йўналишда иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда қуйидаги босқичлар фарқланади:

1. Илк босқич – А1 – Basic user – 108 соат;
2. Бошланғич босқич – А2 -Waystage - 72 соат;
3. Қуйи- ўрта босқич – В1 – Threshold- 144 соат;
4. Ўрта босқич – В2 – Vintage - 56 соат.

Босқичлар бўйича соатлар тақсимоти шартлидир. Уларни белгилашда режалаштирилган ўқув материаллари тингловчилар томонидан ўзлаштирилиши ҳамда замонавий технологияларни ўқув жараёнида самарали қўллаш ва интенсифлаштириш эвазига қисқариш мумкинлиги (ёки тингловчиларнинг материални ўзлаштириш имкониятлари даражасида кенгайиши) эътиборга олинади.

Олий таълим муассасаларининг бакалавриатура босқичида инглиз тили ўқитилишини ташкил этишда талабаларнинг тилни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари, академик гуруҳларни шакллантириш, таълимнинг мақсад, вазифалари ва мазмунига алоҳида эътибор қаратилади ҳамда уларнинг тил ўрганишга нисбатан мотивациялари, тилни ўзлаштириш қобилиятлари, тил бўйича эгаллаган билимлари қайси даражага мослигини аниқлаш кириш тести (Placement test) натижалари асосида амалга оширилади. Тест натижаларига кўра 25 баллгача баҳоланган тингловчи тилни ўзлаштиришнинг илк даражаси, 26 – 35 баллгача баҳоланган тингловчи тилни ўзлаштиришнинг бошланғич даражаси, 36 - 45 баллгача баҳоланган тингловчи тилни ўзлаштиришнинг қуйи-ўрта даражаси, 45 – 60 баллгача баҳоланган тингловчи тилни ўзлаштиришнинг ўрта даражасида таҳсил олиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур Намунавий дастур ана шундай тизимга асосланади. Таклиф этилаётган тизимнинг ҳар бир босқичи хорижий тажриба, маҳаллий реалияларга таянган ишчи дастурлари, услубий кўрсатмалар, рейтинг тизими, технологик карта, чегаравий назорат электрон тестлар мажмуаси, полиграфик ва электрон ўқув материаллари билан таъминланиши шарт.

4. ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ КУРСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТДАН КЕТМА-КЕТЛИГИ

Инглиз тили амалий курси олий таълим классификаторига мос таълим йўналишларида ўқитиладиган фанлар билан ўзаро боғлиқ. Олий таълимда ўқитиладиган барча фанлар талабаларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олган билимларини тўлдириш ва ривожлантиришга, миллий ғоя ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантиришга қаратилган. Шу боис инглиз тили амалий курси ўқув режанинг мажбурий фанлар блокадаги - гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий, умумкасбий, ихтисослик ҳамда қўшимча фанларнинг касбий хусусиятларига мос равишда ўқитилади. Курсни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг инглиз тили бўйича оғзаки ва ёзма нутқлари касбий фаолият билан боғлиқ сўз ва сўз бирикмалари, терминлар билан бойитилади ҳамда ихтисосликлари бўйича инглиз тилида мунозара ва муҳокамаларда иштирок этиб, ўз фикрини дадил ҳимоя қилишларига имкон яратилади.

5. ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инглиз тили амалий курсининг мақсади

Инглиз тили амалий курсининг асосий мақсади бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг инглиз тилида маданиятлараро мулоқот қилиш компетенциясини шакллантиришдан иборат. Мазкур компетенция нутқ фаолиятининг турлари – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ва матнларни таржима қилиш малакаларига асосланади. Маданиятлараро мулоқот қилиш компетенцияси таркибан ва мазмунан мураккаб бўлиб, у лингвистик, лингвокультурологик, коммуникатив, ижтимоий-маданий, дискурсив каби компонентларни ўз ичига олади.

Ҳар бир компонент мазмунини тегишли билим, кўникма, малакалар, тил ўрганувчиларнинг умумий дунёқарашлари, тилни ўрганиш мойилликлари, қизиқишлари, мотивациялари, тилни ўрганишга бўлган муносабатлари, товуш ва сўзларни равон талаффуз қилишлари, ҳодиса, воқеа, борлиқни билиб олиш қобилиятлари, мантикий тушуниш, тилни ҳис қилиш, нутқий фаолият билан боғлиқ психик функциялар, мулоқотга киришиш қобилиятлари, характер белгилари (меҳнатсеварлик, ирода, мақсадга интилиш, фаоллик ва б.), мустақил ишлаш сингари жиҳатлар ташкил этади.

Инглиз тили амалий курсининг вазифаларини қуйидагилар ташкил этади:

- талабаларнинг ўрта таълимда эришган билим, кўникма ва малакалари даражасини кенгайтириш;
- талабаларда тил минимумларини ташкил этувчи ҳодисалар ҳақида лингвистик билим ва уларни нутқ фаолиятининг турларида ишлатиш бўйича дастур талаби даражасида билимларни шакллантириш;
- талабаларда таълим мавзулари бўйича ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий, касбий билимни шакллантириш;
- талабаларнинг инглиз тилида кўникма ва малакаларини таълим мавзулари бўйича шакллантириш;
- талабаларда касбий ва умумий этикага оид кўникма ва малакаларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш;
- талабаларнинг нутқий фаолиятини, психик функциялари ва улардаги характер қирраларини шакллантириш;
- талабаларнинг инглиз тили устида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- тил ўрганувчиларнинг умумий дунёқарашлари, тилни ўрганиш мойилликлари, қизиқишлари, мотивацияларини, тилни ўрганишга бўлган муносабатларини ошириш;
- талабаларнинг ҳодиса, воқеа, борлиқни билиб олиш қобилиятлари, мантикий тушуниш, тилни ҳис қилиш, нутқий фаолият билан боғлиқ рухий функциялар, мулоқотга киришиш қобилиятлари, характер белгилари (меҳнатсеварлик, ирода, мақсадга интилиш, фаоллик) ҳамда бошқа ҳислат ва фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш.

АСОСИЙ ҚИСМ

6. НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛ СИФАТИДА ВА ФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШДА ИККИНЧИ ТИЛ СИФАТИДА ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖА ВА ПОҒОНАЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

6.1. Тилни ўзлаштиришнинг илк босқичи (Break through A1)

Бу босқич ўзлаштирилганидан сўнг талабалар қуйидаги билимларга эга бўлишлари керак:

1. Лингвистик билим:

Фонетика: товуш ва ҳарф муносабатлари, қисқа ва чўзиқ унлилар, жарангли ва жарангсиз ундош товушлар, ҳарфларнинг ўқилиш қоидалари, транскрипция, ассимиляция ва диссимиляция ҳодисалари, оҳанг ва унинг турлари, тонограмма.

Лексика: кундалик турмуш мавзуларига оид 360-380 та ва мутахассислик мавзуларига оид 120-130 та лексик бирликлар, уларнинг маънолари, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: сўз туркумлари, уларнинг грамматик шакллари ва ишлатилиши - отларда кўплик, умумий келишик, қаратқич келишигининг ифодаланиши; отнинг гапда кесим, тўлдирувчи, ўрин ҳоли, эга вазифаларида ишлатилиши); to be, to have феълларнинг ҳозирги ноаниқ (Present Simple) замоннинг турли шаклларда ишлатилиши; аниқ ва ноаниқ артиклар ҳақида тушунча; қаратқич олмошларининг турлари; сифат, сон ва қаратқич олмошларининг аниқловчи вазифасида ишлатилиши; this/these - that/those кўрсатқич олмошлари ва уларнинг гапда ишлатилиши; кишилик олмошлари (бирлик/кўплик); макон ифодаловчи предлоглар; гап ва унинг турлари (бўйруқ, ундов гаплар; дарак гап; сўроқ гап), гапларнинг тасдиқ ва инкор шакллари, уларнинг ясалиши, гапларда сўз тартиби; there is/are нинг ишлатилиш ҳолатлари.

Мамлакатшуносликка оид билим:

Ўзбекистон Республикаси, Буюк Британия ва АҚШнинг географияси, иқлими, спорт, хобби ва унинг турлари.

Ижтимоий - сиёсий соҳага оид билим:

кундалик воқеалар, машҳур ёзувчи ва шоирлар, давлат арбоблари, давлат рамзлари, Давлат тили ҳақидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

Маданиятшуносликка оид билим:

турли вазиятларда ўзини тутиш, бошқа шахслар билан саломлашиш, танишиш, хайрлашиш, овқатланиш, йўл ҳаракати қоидалари, меҳмондўстлик, меҳмонни кутиб олиш ва уни кузатиш, транспорт хизматидан фойдаланиш, харид қоидалари, бирор нарсани бошқа шахсдан сўраш; дам олиш ва ҳ.к.

Касбий билим: касбий фаолиятда инглиз тилининг аҳамияти, инглиз тилининг халқаро миқёсидаги ўрни, мутахассисликка оид касбий терминлар, мутахассислик турлари ва уларнинг хизмат вазифалари.

Талабалар нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

Тинглаб тушуниш

- қисқа ва узун унли товушлар билан келган сўзларни эшитиб англаш;
- инглиз тили фонемалари талаффузини эшитиб фарқлаш;
- гап ва матнларни тинглаш жараёнида оҳанг турларини фарқлаш;
- шипилловчи ва тил оралиғи товушларини эшитиб англаш;
- сўзнинг урғу тузилишини аниқлаш;
- нутқ оқими ва танаффуснинг (пауза) синтагматик бўлинишини тинглаб тушуниш;
- эмфатик урғуни тушуниш;
- ўтилган лексик-грамматик мавзу асосида тузилган матнни тинглаб тушуниш.

Матн 2-3 дақиқа давомида меъёрий тезликда тингланади.

Овоз характери: таниш, нотаниш, жонли нутқ, механик ёзув.

Гапириш. Диалогик нутқ

Талабалар ўз нутқларини бошлай билишлари ва тугата олишлари шарт. Сўзловчи суҳбатдошига маслаҳат ёки бирор нарсани таклиф қила олиши, шунингдек саволларга жавоб бера олиши ҳамда тингланган фактларни муҳокама қила билиши ва унга баҳо бера олиши шарт.

Ҳар бир суҳбатдошнинг нутқ ҳажми 3-4 та гапдан иборат бўлиши керак.

Нутқ тезлиги бир дақиқада 80-90 та сўзни ташкил этади.

Монологик нутқ

Мазкур босқичга оид мавзулар бўйича талабалар содда гаплардан фойдаланиб билдиришлар, янгиликлар, маълумотлар бера олишлари шарт. Фикрни билдириш 8-10 та гапдан ташкил топади.

Нутқ тезлиги: бир дақиқада 90-100 та сўз.

Ўқиш. Танишув ўқиш (Scanning)

Танишув ўқишдан мақсад матннинг асосий мазмунини тушунишдир. Матнлар содда, талабаларга таниш бўлган тил материали асосида тузилади. Ўқиш тезлиги ва матн ҳажми: 30 дақиқада 2000-2100 та босма белгидан иборат матнни луғат ёрдамисиз ўқиб, унинг асосий мазмунини тушуниш.

Матн характери: илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий бўлиб, таркибида 3-4 % гача нотаниш лексика мавжуд бўлади.

Ёзув

Талабалар қуйидаги малакаларга эга бўлишлари шарт:

- маълум бир вазифани бажаришда, тил минимуми таркибига кирувчи актив сўз ва сўз бирикмаларини тўғри ёзиш;
- сўровномаларни тўлдириш;
- эълон ёзиш;
- матндаги “калит” сўзларни ёзиш;
- берилган мавзу бўйича қисқача маълумот ёзиш;
- хат ёзиш, хатга жавоб қайтариш;
- таржимаи ҳол ёзиш.

Таржима

- босқич минимуми сўзларини она тилига таржима қилиш;
- босқич мавзуларига оид содда гапларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

6.2.Тилни ўзлаштиришнинг бошланғич босқичи (Waystage A2)

Бошланғич босқичнинг мақсади илк босқичда инглиз тилида шаклланган маданиятлараро мулоқот компетенцияси даражасини юқорига кўтаришдир.

Талабалар қуйидаги **билимларга** эга бўлишлари керак:

1.Лингвистик билим :

Фонетика: инглиз тили ҳарфларининг сўз таркибида ёзилиш қоидалари, содда, буйрук, ундов, сўроқ гаплар, оҳанг ва унинг турлари.

Лексика: кундалик турмуш мавзуларига оид 430-450 та ва мутахассислик мавзуларига оид 150-170 та лексик бирликлар, уларнинг маънолари, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: “The Present Indefinite, The Present Continuous Tenses – for present and fututure actions” - ясалиши ва ишлатилиши, тўғри ва нотўғри феъллар (regular and irregular verbs) тўғрисидаги тушунча, “The Past Indefinite Tense”, “The Present Perfect Tense” - ясалиш ва ишлатилиш ҳолатлари, “to be going to” конструкциянинг ишлатилиши; герундий ва унинг гапдаги ўрни; “can” модал феълнинг ишлатилиши; сифат даражалари; “some/ any”, “to have/to have got”, “good/well”, “bad/badly”, “many/much”, few/ little”, “so/too many (much)”, “plenty of/a lot of/a lot” сўз ва сўз бирикмаларининг гапда ишлатилиши; here it is/they are, “my task (...,...) is to” конструкциялари; “how/how well/how often”, “which/which of ...” билан бошланадиган сўроқ гаплар.

2.Мамлакатшуносликка оид билим:

- а) транспорт тизими, маиший хизмат, тиббий хизмат;
- б) Буюк Британия ва АҚШ саноати, иқтисодиёти, тарихий обидалари, таълим тизими.

3. Ижтимоий-сиёсий билим:

- а) Ўзбекистон Республикасида: кундалик воқеалар тафсилоти, сиёсий партиялар, демократик принциплар, инсон ҳуқуқлари;
- б) Буюк Британия ва АҚШда: кундалик воқеалар тафсилоти, сиёсий партиялар, демократик принциплар.

4. Маданиятшуносликка оид билим:

- а) миллий маданиятимизга оид: таълим муассасаларида ва бошқа жамоат жойларида қоидаларга риоя қилиш, маъруза қилиш, китоб ўқиш, мустақил ишлаш;
- б) Буюк Британия ва АҚШда меҳмондўстлик, жамоат жойларида овқатланиш, транспорт хизматидан фойдаланиш.

5. Касбий билим: касбга тайёрлаш тизими, турли касблар ва уларнинг афзалликлари, хизмат вазифаси, маош, иш топишда рақобат.

Талабалар нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги **кўникма ва малакаларга** эга бўлишлари лозим:

Тинглаб тушуниш

- мазкур босқичда ва илк босқичда ўрганилган лексик минимумларини ташкил этувчи сўз бирликларини тинглаб, уларнинг маъноларини англаш;
- тинглаш жараёнида оҳанг турларини фарқлаш ва уларнинг маъно оттенкаларини тушуниш;
- сўз ва гапларда урғуларнинг маъно оттенкаларини англаш.
- таълим мавзулари бўйича талабаларга таниш бўлган тил материали асосида тузилган матнларни тинглаб, уларнинг асосий мазмунини тушуниш.

Матн 3-4 дақиқа давомида тингланади.

Овоз характери: таниш, нотаниш, жонли нутқ, механик ёзув.

Овоз тезлиги - меъёрий.

Гапириш. Диалогик нутқ

- хорижликлар билан инглиз тилида турли ҳаётий вазиятларда мулоқотга киришиш;
 - суҳбатдошини қизиқтирган мавзулар ва босқич мавзулари бўйича суҳбат қилиш.
- Нутқ ҳажми 5-6 та гапдан иборат. Нутқ тезлиги - 1 дақиқада 80-100 та сўз.

Монологик нутқ

- шахсий таассуротлар, турли воқеалар ҳақида содда ҳикоя тузиш ва уни ифодалаб бериш;
 - воқеа, ҳодиса, предмет ва бошқа шахсларга нисбатан ўзининг шахсий фикрини билдириш;
 - ўқилган китоб ёки кўрилган фильм мазмунини содда гаплар билан сўзлаб бериш.
- Нутқ ҳажми 10-12 та гап. Нутқ тезлиги - 1 дақиқада 110-120 та сўз.

Ўқиш. Танишув ўқиш (Scanning)

- босқич мавзулари доирасида таркибида 6 % гача нотаниш сўзлар мавжуд бўлган матнларни ўқиб тушуниш;
 - реклама, каталог, плакат, эълонларни ўқиб англай олиш.
- Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: 30 дақиқада 2400-2800 босма белгидан иборат матнни луғат ёрдамисиз ўқиб, унинг мазмунини тушуниш.

Ўрганув ўқиш (Scimming)

Матн луғат ёрдамида ўқилади, матн мазмуни тўлиқ тушунилиши лозим. Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: 30 дақиқада 1200-1400 босма белгидан иборат бўлади.

Матн таркибида 8-10% гача нотаниш сўзлар мавжуд.

Матн характери: илмий-оммабоп, бадиий ҳамда мутахассислик йўналишларига хос.

Кўз югуртириб ўқиш (Speed reading)

Матн характери: ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, оригинал ҳамда мослаштирилган.

Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: 1200-1500 босма белгидан иборат матн уч дақиқа давомида луғат ёрдамисиз ўқилади ва унинг асосий мазмуни тушунилади.

Ёзув

- АҚШ ва Буюк Британиялик талабаларга, тенгдошларига инглиз тилида хат ёзиш;

- ишга, ўқишга кириш, турли танловларда қатнашиш учун ариза ёзиш;
- табрик хатлари, расмий ва норасмий таклифномалар ёзиш;
- хат ва телеграммаларга жавоб ёзиш;
- матн мазмунига аннотация ёзиш;
- электрон хабарлар ёзиш.

Таржима

- таълим мавзуларига оид содда гаплардан тузилган матнларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

Таржима ҳажми ва таржима қилиш тезлиги: 60 дақиқада луғат ёрдамида 600-700 босма белгидан иборат матн таржима қилиниши лозим.

Таржима характери: ёзма, инглиз тилидан она тилига.

6.3 Тилни ўзлаштиришнинг қуйи-ўрта босқичи (Threshold B1)

Мазкур босқичнинг мақсади илк ва бошланғич босқичларда инглиз тилида шаклланган мулоқот компетенцияси даражасини янги мавзулар, янги лексик бирликлар, мутахассисликка оид янги маълумотлар асосида такомиллаштиришдир.

Талабалар қуйидаги **билимларга** эга бўлишлари керак:

Лингвистик билим:

Графика: ҳарф бирикмаларининг ёзилиши.

Фонетика: инглиз тили унли фонемаларининг урғусиз бўғинларда талаффуз этилиши;

Лексика: кундалик инглиз тилига оид 450-470 та сўз ва сўз бирикмалари, мутахассисликка оид 180-200 та атамалар ва уларнинг маънолари, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: “The Past Indefinite, Past Continuous, The Future Indefinite, The Past Perfect tenses”, Participle I and Participial Constructions – ясалиши ва ишлатилиши; who (whom) иштирокидаги мураккаб гап; who, that, which, where иштирокидаги эргашган қўшма гаплар – ясалиши ва ишлатилиши; can, may, might, must, should, have to/to be to, need, will ва бошқа модал феъллар ва ва модал феъл маъносидаги конструкцияларнинг ишлатилиши; want/hope/would like to do smth; like/enjoy/love doing smth конструкциялар ва ишлатилиши; than сўзни қиёслаш мақсадида, “as” - ни бўлиб, қилиб маъноларида ишлатилиши; “it is easy (difficult, ...) to” конструкциялари.

Мамлакатшуносликка оид билим:

а) Ўзбекистон республикасида: савдо тизими, аҳоли, касб, иш билан таъминлаш;

б) Буюк Британия ва АҚШ да: аҳоли, савдо тизими, тиббий хизмат, касб, ишсизлик, давлат қурилиши, тил сиёсати, маиший хизмат кўрсатиш.

Ижтимоий-сиёсий билим:

а) Ўзбекистон Республикасида: инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, инсон кадриятлари, сайлов, сайлов принциплари, ташқи алоқалар, таълим муассасаларининг хорижий мамлакатлар билан алоқалари;

б) Буюк Британия ва АҚШда: инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, сайлов, сайлов принциплари.

Маданиятшуносликка оид билим:

а) миллий маданиятимизга оид: хизмат вазифаларини бажариш, маиший хизматдан фойдаланиш, турли касб эгалари, турли ёшдаги, турли мансабдаги кишилар билан саломлашиш, хайрлашиш, мулоқот қилиш, кийиниш маданияти;

б) Буюк Британия ва АҚШ да: хизмат вазифаларини бажариш, маиший хизмат кўрсатишдан фойдаланиш, турли касб эгалари, турли ёшдаги, турли мансабдаги кишилар билан саломлашиш, хайрлашиш, мулоқот қилиш, кийиниш маданияти.

Касбий билим: мутахассислик бўйича малака ошириш, касб эгасининг инсоний фазилатлари, ҳуқуқий маданияти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, ижтимоий ҳимоя тизими.

Талабалар нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

Тинглаб тушуниш

- босқич мавзулари доирасида таркибида 4-6%гача нотаниш лексик бирликлари мавжуд бўлган матнларни тинглаш ва уларнинг асосий мазмунини тушуниш.

- сўз ва гапларда урғуларнинг маъно оттенкаларни англаш;

Матн характери: илмий-оммабоп, кундалик турмуш ва мутахассислик соҳасига йўналтирилган.

Матн ҳажми ва эшиттириш тезлиги: 1 дақиқада 120-130та сўз, тинглаш давомийлиги 5 дақиқа.

Овоз характери: таниш, нотаниш, жонли нутқ, механик ёзув.

Гапириш. Диалогик нутқ

- инглиз тилида бошқаларга савол ва таклифлар билан мурожаат қилиш;

- таълим мавзулари доирасида берилган саволларга жавоб қайтариш;

- ўзини қизиқтирган масалалар бўйича керакли маълумотларни сўраб билиш;

- мутахассислик мавзулари бўйича хорижлик касбдошлари билан суҳбат қилиш.

Нутқ ҳажми: 7-8 та гап.

Нутқ тезлиги: 1 дақиқада 100-120 та сўз.

Монологик нутқ

- таълим мавзулари бўйича ўқилган матн мазмунини сўзлаб бериш;

- матндаги воқеа, ҳодиса ва шахсларга нисбатан ўз фикрини билдириш;

- ўқилган матн мазмунини шарҳлаш;

- тинглаб тушунилган матн мазмунини сўзлаб бериш;

- ўқилган китоб, кўрилган фильм қаҳрамонларини тасвирлаш.

Нутқ тезлиги: 1 дақиқада 120-130 та сўз.

Нутқ ҳажми: 12-15 та гап.

Ўқиш. Танишув ўқиш (Scanning)

- таркибида 5-6 % гача нотаниш сўзлар мавжуд бўлган таълим мавзуларига оид матнларни луғат ёрдамисиз ўқиб, уларнинг асосий мазмунини тушуниш.

Матн таркибидаги нотаниш сўзлар, сўз яшаш усуллари, грамматик воситалар контекстга қараб тушунилади.

Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: 30 дақиқада 2800-3000 босма белгидан иборат матнни луғат ёрдамисиз ўқиб, унинг мазмунини тушуниш.

Ўрганув ўқиш (Scimming)

Матн луғат ёрдамида ўқилади, матн мазмуни тўлиқ тушунилади.

Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: 30 дақиқада 1400-1500 босма белгидан иборат матн.

Матн таркибида 12-15%гача янги сўзлар мавжуд.

Матн характери: илмий – оммабоп, мутахассисликка оид, оригинал ҳамда мослаштирилган матнлар.

Кўз югуртириб ўқиш (Speed reading)

Матн характери: илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, оригинал ҳамда мослаштирилган матнлар.

Матн ҳажми ва ўқиш тезлиги: уч дақиқада 1500-1800 босма белгидан иборат матн луғат ёрдамисиз ўқилади ва ундан керакли маълумот олинади.

Ёзув

- маълумот олиш учун сўров хат ёзиш;
- билдириш хати ёзиш;
- эълон ёзиш;
- реклама матнини ёзиш;
- мақола, китоблар мазмуни юзасидан резюме ёзиш;
- берилган мавзу бўйича маълумот ёзиш.

Таржима

- таълим мавзуларига оид содда гаплардан тузилган таркибида 10 % гача нотаниш сўзлар мавжуд бўлган матнни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш;
- таълим мавзуларига оид матнларни она тилидан инглиз тилига таржима қилиш.

Таржима ҳажми ва таржима қилиш тезлиги: 60 дақиқада 700-800 босма белгидан иборат матн.

Таржима характери: ёзма, инглиз тилидан она тилига.

6.4.Тилни ўзлаштиришнинг ўрта босқичи (Vintage B 2)

Бу босқичда талабалар қуйидаги **билимларга** эга бўлишлари керак:

Лингвистик билим:

Лексика: кундалик инглиз тилига оид 480-500 та сўз ва сўз бирикмалари, мутахассисликка оид 180-200 та атамалар ва уларнинг маънолари, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: пайт ва шарт (“when/if clauses”) эргаш гапли қўшма гапларда феъл замонларининг ишлатилиши; мураккаб тўлдирувчи “Complex Object”); замонлар мослашувида (“Sequence of Tenses”) феъл шакллариининг ишлатилиши; ўтган замон сифатдоши ва унинг ишлатилиши (“Participle II and constructions”); феълнинг мажхуллик даражаси (“The Passive Voice”), ясалиши ва ишлатилиши; аниқ артиклининг географик номлар билан ишлатилиши.

Мамлакатшуносликка оид билим:

а) Ўзбекистон Республикасида: ёшлар, хотин – қизлар, фан ва техника тараққиёти, кашфиётлар, машҳур кишилик, ахборот воситалари , кўнгил очар машғулотлар;

б) Буюк Британия ва АҚШ да: таълим тизими, ёшлар, кўнгил очар машғулотлар, машҳур кишилик, фан ва техника тараққиёти, оммавий ахборот воситалари;

Ижтимоий-сиёсий билим: а) Ўзбекистон Республикасида: терроризм ва унга қарши кураш, халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти), ЮНЕСКО, Интерпол, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки), тинчлик учун кураш, гиёҳвандликка, ОИТС га қарши кураш;

Маданиятшуносликка оид билим: а) Ватанга муҳаббат, қария ва ногиронларга муносабат, меҳрибонлик уйларидаги болаларга муносабат, мусиқа, ашула, рақс каби санъат турларига муносабат, нотиклик санъати.

Касбий билим: мутахассислик фанлари мазмуни, малака ошириш шакллари ва усуллари, семинар, кенгаш, анжуманларда мутахассислик мавзулари бўйича маърузалар, тақдимотлар қилиш, чет эл тажрибасини ўрганиш, жамоат ишларида фаоллик, халқаро қонунлар.

Талабалар нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

Тинглаб тушуниш:

таълим мавзулари доирасида маъруза, ТВ ва радио орқали эшиттиришлар, бадиий фильмлар мазмунини тушуниш.

Ўқиш: касбий соҳалар ҳамда кундалик турмушнинг долзарб масалалари бўйича мақола ва хабарларни, мураккаб бўлмаган бадиий адабиётни ўқиб тушуниш.

Гапириш

Диалог: тайёргарликсиз суҳбатларда қатнашиш, ўрганилган мавзулар доирасида баҳсларда қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва уларнинг тўғрилигини исботлаш.

Монолог: ўрганилган мавзулар бўйича фикр-мулоҳазаларини тушунарли асосли ифодалб бериш.

Ёзув: Таълим мавзулари доирасида эссе, баён, иншо ва маъруза ёзиш.

Таржима.

- босқич лексик минимуми сўзларини она тилига таржима қилиш;
- мавзуларга оид содда гапларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш;
- мавзуларга тааллуқли содда матнларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

7. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

7.1. Тилни ўзлаштиришнинг илк босқичи (Break through A1)

Мавзулар

Кундалик турмушда қўлланиладиган инглиз тили: (а) монологик матн: “Ўзим ҳақимда”, “Менинг оилам”, “Менинг шахрим”, “Менинг дўстим”, “Менинг хонадоним”, предмет ёки шахснинг жойлашувини тасвирлаш; (б) диалогик матн:

саломлашув, хайрлашув, танишиш, стол атрофида учрашув, узр сўраш, манзилга етиб бориш учун зарур маълумотни билиб олиш; (в) давлатчиликка оид мавзулар: Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашуви, Мустақил Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия; (г) иқтисодий мавзулар: “Бизнес ҳақида”, “Бизнес фаолияти”, “Кичик ва катта бизнес”, “Бозор иқтисодиётида кишилар фаолияти”.

Матнлар

а) Талабаларга таниш тил материали ва мавзуларга оид содда матнлар;

б) Мавзуларга оид микродиалоглар.

Нутқ фаолияти жараёни қуйидаги матн турларидан ташкил топади: оғзаки (сўзлашиш, миш-миш, фольклор); ёзма (сфратистика, эпиграфика, нумизматика, хатлар, хужжатлар, журналистика, илмий ва бадиий матнлар ва бошқалар).

Тил материали

Фонетика: инглиз тилидаги барча фонемаларнинг талаффузи;

содда дарак гап, буйруқ, ундов, сўроқ гапларнинг оҳанги; саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, ҳол-аҳвол сўраш каби вазиятларда ибораларнинг оҳанглари.

Лексика: кундалик инглиз тилига оид камида 360 -380 сўз ва сўз бирикмалари; мутахассисликка оид камида 120 -130 атамалар (бу ерда ва бундан сўнг кўрсатилган сўз ва сўз бирикмаларининг миқдори фақат актив лексик минимумни ташкил этади).

Грамматика: сўз туркумлари (от, олмош ва унинг турлари, сифат, феъл, сон, артикль, предлоглар ва б.), уларнинг грамматик шакллари (отларда кўплик, умумий келишик, қаратқич келишигининг ифодаланиши; отнинг гапда кесим, тўлдирувчи, ўрин ҳоли, эга вазифаларида ишлатилиши; аниқ ва ноаниқ артиклар ва уларнинг ишлатилиши; қаратқич олмошларининг турлари; сифат, сон ва қаратқич олмошларининг аниқловчи вазифасида гапда ишлатилиши; this/these - that/those кўрсатқич олмошлари ва уларнинг гапда ишлатилиши; кишилик олмошлари -бирлик/кўплик; макон ифодаловчи предлоглар, шакллари ва ишлатилиши; to be, to have, there is/are, Present Simple нинг ясашиши ва ишлатилиш ҳолатлари); гап ва унинг турлари (буйруқ, ундов гаплар; дарак гап; сўроқ гап), гапларнинг тасдиқ ва инкор шакллари, уларнинг тузилиши; оборотлар “it is easy (difficult, ...) to”, ва б.

Нутқ фаолиятининг турлари бўйича кўникма ва малакалар

Тинглаб тушуниш

гапирувчи (нутқ сўзловчи)нинг шахсияти, оиласи ва уни ўраб турган атроф – муҳит доирасида кундалик мулоқот қилиш вазиятларида меъёр даражасида ва аниқ талаффуз қилинадиган нутқ оқимидаги тил ўрганувчига маълум бўлган айрим сўз ва ўта содда гапларни тушуниш малакалари.

Ўқиш. Танишув ўқиш (Scanning)

каталог, плакат, эълон, рекламалардаги номлар, атамалар, кундалик сўзларни ўқиб тушуниш, шунингдек ўта содда гапларни ўқиб англай олиш малакалари.

Гапириш. Диалогик нутқ

таълим мавзулари бўйича бошқа шахслар билан суҳбат қилиш, суҳбатдошларга таниш ёки уларни қизиқтирган масалалар бўйича бир-бирларига саволлар бериш ва уларга жавоб қайтариш.

Монологик нутқ

содда гаплардан фойдаланиб суҳбатдошнинг яшаш манзилини сўраб билиш ва унга таниш бўлган кишилар ҳақида сўзлаш малакалари.

Ёзув

инглиз тили ҳарфларининг ўқиш қоидалари, байрам муносабатлари билан оддий табрик хатларини ёзиш, сўровнома тўлдириш.

Таржима

- босқич лексик минимуми сўзларини она тилига таржима қилиш,
- мавзуларга оид содда гапларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш,
- мавзуларга оид содда матнларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

7.2.Тилни ўзлаштиришнинг бошланғич босқичи (Waystage A2)

Мавзулар

- а) “Бизнинг университет”, “Менинг иш куним”, “Менинг дам олиш куним”, “Мустақил Ўзбекистон”, “Ўзбекистон тарихи”, “Олий Мажлис”, “Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти”, “Британия парламенти”, “Бозор”, “Бозор механизмлари”, предмет ёки шахснинг жойлашувини тасвирлаш, таътил, байрамлар, экология;
- б) Кутубхонада, тиш шифокори қабулида, манзилга етиб боришни аниқлаш, ресторанда, савдо дўконида, учрашув тайинлаш, интервью олиш, телефон қилиш, кийим – кечак, миллий кийимлар, дорихона, пойафзал хизмати.

Матнлар

- а) таълим мавзуларига оид таркибида 6% гача нотаниш лексик бирликлар мавжуд бўлган матнлар;
- б) таълим мавзуларига оид аутентик диалог ва микродиалоглар.

Тил материали

Фонетика: содда, буйруқ, ундов, сўроқ гаплар, оҳанг инглиз тилидаги барча фонемаларнинг талаффузи; содда дарак, буйруқ, ундов, сўроқ гапларнинг оҳанги; саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, ҳол-аҳвол сўраш каби вазиятларда ибораларнинг оҳанглари.

Лексика: кундалик инглиз тилига оид 430 -450 та сўз ва сўз бирикмалари; мутахассисликка оид 150-170 та атамалар, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: Сифат даражалари; “The Present Indefinite”, “The Future Indefinite Tense”, “The Present Continuous” нинг ясашиш ва ишлатилиш ҳолатлари, “Participle I and constructions”, герундий ва унинг гапдаги ўрни, “to be going to” обороти; тўғри ва нотўғри феъллар (regular and irregular verbs), “The Past Indefinite Tense”, “The Past Continuous Tense”, “The Present Perfect Tense”; “can” модал феълининг ишлатилиши; “some/ any”, “to have/to have got”, “good/well”, “bad/badly”, “many/much”, few/ little”, “so/too many (much)”, “plenty of/a lot of/a lot” сўз ва сўз

бирикмаларининг гапда ишлатилиши; here it is, “my task (...,...) is to” конструкциялари; “how/how well/how often”, “which/which of ...” билан бошланадиган сўроқ гаплар; сонларни турли вазиятларда ишлатилиши.

Нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакалар шаклланади:

Тинглаб тушуниш

тингловчига муҳим бўлган ҳолатларда (ўзи ҳақида, турар жойи, оила аъзолари, иш фаолияти, харид қилиш каби нутқ вазиятларида) билдирилган фикрни инглиз тилида тинглаб тушуниш, шунингдек аниқ талаффуз қилинган, ҳажми кичик бўлган эълон ва хабарлардаги кўп ишлатиладиган сўз, сўз бирикмалари ҳамда айрим гапларни тушуниш малакалари шаклланади.

Ўқиш ва унинг турлари: танишув ўқиш, ўрганув ўқиш ва кўз югуртириб ўқиш (Scanning, Scimming, Speed reading)

ҳажми кичик, мазмунан содда матнларни ўқиб тушуниш, реклама, эълон ва транспорт ҳаракатлари жадваллари, таомномаларни ўқиб, улардан керакли маълумотни олиш, мазмунан содда хатларни ўқиб тушуниш.

Гапириш. Диалогик нутқ

талабаларга таниш бўлган мавзулар ёки фаолият турлари доирасида уюштириладиган мулоқотларда иштирок этиш, кундалик турмуш мавзулари доирасида содда ва қисқа суҳбатларда ташаббус кўрсата олиш.

Монологик нутқ

содда гаплардан фойдаланиб ҳозирги ёки ўтмишдаги иш фаолияти, турмуш шароитлари, оила аъзолари, гапирувчига таниш бўлган инсонлар ҳақида сўзлаб бериш.

Ёзув

қисқа ва содда хабарлар ёзиш, содда хатлар ёза олиш, миннатдорчилик билдириш.

Таржима

- босқич лексик минимуми сўзларини она тилига таржима қилиш;
- мавзуларга оид содда гапларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш;
- мавзуга тааллуқли матнларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

7.3.Тилни ўзлаштиришнинг қуйи-ўрта даражаси (Threshold B1)

Мавзулар

Кундалик турмуш мавзуларига оид (Daily Routine English):

а) “Менинг севимли ёзувчим”, “Кино”, “Театр”, “Менинг севимли машғулотим”, “Менинг келажакдаги касбим”, “Йил фасллари”, “Атроф – муҳит”, “Табиат”, “Мусиқа санъати”, “Рассомчилик”, “Мамлакатлар жойлашуви ва уларнинг иқлими, об-ҳавоси”, “Инсоннинг ташқи қиёфаси”, “Ишга жойлашиш”;

б) Мутахассисликка оид мавзулар: Ўзбекистон иқтисодиёти, Буюк Британия ва АҚШнинг географик жойлашуви, уларнинг пойтахтлари ва йирик шаҳарлари; Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимияти органлари, Буюк Британиянинг сиёсий тизими, маъмурий органлари, Буюк Британиянинг маҳаллий ҳокимият органлари, АҚШнинг сиёсий тизими, АҚШнинг маъмурий органлари, АҚШнинг

маҳаллий ҳокимият органлари; Бизнес хақида, Бизнес фаолияти, Мулк, Мулкдорчилик турлари;

б) Меҳмонхонада, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида (сартарошхона, гўзаллик салони, модалар уйи, кийим – кечак таъмирлаш шаҳобчаси, пойафзал хизмати, оақатланиш тармоғи - ошхона, кафе, ресторан), транспорт воситаларидан фойдаланиш, музей, хайвонот боғи, истироҳат боғи.

Матнлар

а) ўрганилган мавзуларга оид таркибида 8-10% гача янги сўзлари мавжуд бўлган аутентик ва мослаштирилган матнлар,

б) таниш мавзуларга оид аутентик диалог ва микродиалоглар.

Тил материали

Фонетика: олдинги босқичларда ўзлаштирилиши қийинчилик туғдирган фонетик ходисалар;

Лексика: кундалик инглиз тилига оид 450-470 т а сўз ва сўз бирикмалари; мутахассисликка оид 180 – 200 та атамалар, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: сифат даражалари, than сўзни қиёслаш мақсадида ишлатилиши; “The Future Indefinite, The Past Indefinite, The Past Continuous, The Past Perfect Tenses” нинг ясалиш ва ишлатилиш ҳолатлари, “Participle I and constructions”, герундий ва унинг гапдаги ўрни; can, may, might, must, should, have to/to be to, need, will ва бошқа модал феъллар ва ва модал феъл маъносидаги конструкцияларнинг ишлатилиши; want/hope/would like to do smth; like/enjoy/love doing smth конструкциялар ва ишлатилиши; would like to do smth, like/enjoy/love doing smth конструкцияларнинг ишлатилиши; “as” - ни бўлиб, қилиб маъноларида ишлатилиши; who (whom) иштирокидаги мураккаб гап; who, that, which, where иштирокидаги эргашган қўшма гаплар – ясалиши ва ишлатилиши; “it is easy (difficult, ...) to” конструкцияларнинг ишлатилиши.

Нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакалар шаклланади:

Тинглаб тушуниш

кундалик мавзуларда билдирилган фикрнинг асосий мазмунини тушуниш малакаси шунингдек, янгиликлар, тингловчининг шахсий ҳаётига тегишли мавзулар, унинг касбий қизиқишларига оид радиоэшиттиришлар мазмунини англаш.

Ўқиш ва унинг турлари: танишув ўқиш, ўрганув ўқиш ва кўз югуртириб ўқиш (Scanning, Scimming, Speed reading)

кундалик мулоқот ва касбий мавзуларга тааллуқли тил материали асосида битилган матнлар мазмунини тушуниш, интернетдан ахборот олиш, таҳлил қилиш, керагини танлаб олиш, шунингдек, шахсий хатларда изхор қилинган хис – туйғу, мақсад ва воқеалар тафсилотини тушуниш.

Гапириш. Диалогик нутқ

тили ўрганилаётган мамлакатларга ташриф чоғида мулоқот қилишга тўғри келадиган вазиятларда суҳбат қила олиш, шунингдек, суҳбатдошни

қизиқтирадиган ва таниш бўлган мавзулар (оила, хобби, иш фаолияти, саёҳат, кундалик воқеалар) доирасида бўладиган диалогларда олдиндан тайёргарлик кўрмасдан иштирок этиш малакалари шаклланади.

Монологик нутқ

сўзловчининг шахсий таассуротлари, турли воқеалар ҳақида содда ҳикоя тузиш ва унигапириб бериш, истак, орзулари ҳақида сўзлаб бериш, шунингдек, ўзининг шахсий қараши, фикрини асослаб бериши, ўқиган китоби ёки кўрган фильми мазмунини сўзлаб бериш ва унга нисбатан ўзининг шахсий муносабатини билдириш.

Ёзув

ўзини қизиқтирган ёки таниш бўлган мавзулар доирасида содда матнлар ёзиш, шунингдек, ўзининг таассурот ва кечинмалари ҳақида хат ёзиш.

7.4. Тилни ўзлаштиришнинг ўрта босқичи (Vintage B2)

Мавзулар

Саёҳат, чет эл сафари, муаммоли вазият мавзуларига оид:

(а) монологик матнлар: аэропортда, турар жойни танлаш ва ўрнашиш, овқатланиш, харид қилиш, зиёрат қилиш, телефонда суҳбатлашиш, хабар юбориш (почта, бошқа воситалар билан), соғлиқни сақлаш (даволаниш), хизмат турлари, пул билан боғлиқ бўлган муаммолар ва б.

(б) мамлакатнинг жойлашуви, иқлими ва об-ҳавоси; атроф-муҳит, табиат, экология; инсоннинг ташқи қиёфаси, кийими, миллий кийимлар мазуси, чипта сотиб олиш вақтидаги суҳбат, паспорт ва божхонадан ўтиш пайтидаги суҳбат, самолётга таклиф этиш чоғида ишлатиладиган ахборот ва б.

а) давлатчиликга оид мавзулар: “Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва ҳаракатлар”, “Сиёсий тизимнинг демократлашуви”, “АҚШ сиёсий партиялари”, “Буюк Брита-нияда сиёсий партиялар тизими”, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари, Япония давлатчилиги, АҚШда маҳаллий ҳокимият органлари, Буюк Британиянинг маҳаллий ҳокимият органлари, АҚШнинг административ тузилиши, Британия парламенти;

(б) иқтисодий мавзулар – “Бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф”, “Иқтисодиёт соҳасидаги муаммолар”, “Маркетинг ва савдо”, “Мулкчилик турлари”.

Тил материали

Лексика: кундалик инглиз тилига оид 480-500 та сўз ва сўз бирикмалари; мутахассисликка оид 180-200 та атамалар, сўз яшаш усуллари.

Грамматика: “when” ва “if” конструкцияларда феъл шаклларини ишлатиш; замонлар мослашувида (“Sequence of Tenses”, “Future in the Past”) феъл шаклларининг ишлатилиши; мураккаб тўлдирувчи (“Complex Object”); шарт ва пайт эргашган қўшма гапларда (“Conditional sentences”) феъл шаклларини ишлатиш; ўтган замон сифатдоши ва унинг ишлатилиши (“Participle II and constructions”); инглиз тилида сўз яшаш; феълнинг тўрт асосий шакллари; феълнинг мажхуллик даражаси (“The Passive Voice”); артикларнинг географик номлар билан ишлатилиши (“The use of the articles with geographical names”); would like to do smth; like/enjoy/love doing smth грамматик конструкциялари.

Талабалар нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

Тинглаб тушуниш

дастур доирасидаги мавзуларда тингланган маъруза, ТВ ва радио орқали эшиттиришлар, бадиий фильмлар мазмунини тушуниш.

Ўқиш ва унинг турлари: танишув ўқиш, ўрганув ўқиш ва кўз югуртириб ўқиш (Scanning, Scimming, Speed reading)

касбий соҳалар ҳамда кундалик турмушнинг долзарб масалалари бўйича мақола ва хабарларни, тил жиҳатдан мураккаб бўлмаган бадиий адабиётни ўқиб тушуниш.

Гапириш. Диалогик нутқ

тайёргарлик кўрмасдан суҳбатларда қатнашиш, дастур мавзулари бўйича баҳсларда қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва уларнинг тўғрилигини исботлаш.

Монологик нутқ

дастур мавзулари бўйича фикр-мулоҳазаларни тушунарли ва асосли изҳор қилиш.

Ёзув

дастур мавзулари бўйича эссе, баён, иншо ва маъруза ёзиш.

Таржима

- босқич лексик минимуми сўзларини она тилига таржима қилиш,
- мавзуларга оид содда гапларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш,
- мавзуларга оид содда матнларни инглиз тилидан она тилига таржима қилиш.

8. ДАСТУРНИНГ ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

8.1.Электрон кириш тестлар мажмуаси

Локал тармоққа мўлжалланган, 100 балл шкаласида баҳолаб бериш имкониятига эга CD диск мазкур дастур асосида яратиладиган ўқув-услубий мажмуанинг таркибига киритилади. Мутахассис томонидан CD диск локал тармоққа мўлжалланган компьютер синфига ўрнатилади. Кириш тестлари уч қисмдан иборат: ситуатив грамматикага оид тестлар; ўқиб тушуниш тестлари; тинглаб тушуниш тестлари.

Тил босқичларида нутқ фаолиятининг қуйидаги объектларини ўргатиш асосида билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш назарда тутилади: матнлар; тил материали (графика, фонетика, лексика, морфология, синтаксис); нутқ фаолияти бўйича малакалар: тинглаб тушуниш (listening comprehension - LC); ўқиб тушуниш (reading comprehension - RC); фикрни ёзувда ифода этиш (essay writing - EW); гапириш (communicational English - CE).

8.2.Матнлар

Нутқ фаолияти жараёни қуйидаги матн турларидан ташкил топади: оғзаки (сўзлашиш, миш-миш, фольклор); ёзма (сфратистика, эпи-графика, нумизматика, хатлар, ҳужжатлар, журналистика, илмий ва бадиий матнлар ва бошқалар). Улар талабаларга келгуси фаолиятларида зарур бўладиган оғзаки мулоқот, хат ёзиш, расмий ҳужжатлар тайёрлаш, илмий (мутахассисликка оид) ва бадиий матнлар

билан ишлаш жараёнларида инглиз тилидан эҳтиёж даражасида фойдаланиш имкониятини яратади.

Дарс жараёнида ўтиладиган мавзулар ёки янгиландиган ўқув адабиётлари таркибидаги илмий ва бадиий матнларда мустақил Ўзбекистон ҳаётига дахлдор мавзулар ёритилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сўзлашув жараёнида эса нафақат кундалик ҳаётда қўлланиладиган оғзаки нутқ стандартлари, балки меҳнат муносабатлари жараёнида содир бўладиган сўзлашув бирликларини ифода этувчи матнларнинг (тақдимот, илмий баҳс, ...) қамраб олиниши тавсия этилади.

8.3. Тил материали

Тил материалларини таълим босқичлари бўйича тақсимлашда жаҳон стандартларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда хорижий мамлакатларда босқичма-босқич ўқитиш принципи асосида тайёрланган дарсликлардан фойдаланиш мумкин.

8.4. Нутқ фаолияти турлари учун зарур бўлган малакаларни шакллантириш жараёни

Таълим олувчиларнинг нутқ фаолиятида зарур бўладиган кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириш таҳсил жараёнининг бош мақсади ҳисобланади. Айни мақсадга эришиш узлуксиз равишда - аудиторияда ва мустақил равишда махсус топшириқ, вазифа ва машқлар бажарилиши орқали амалга оширилади. Таълим мазмунини мавзулар, матнлар, тил материали, мавзулар бўйича шаклландирган билим, кўникма ва малакалар ташкил этади. Таълим мазмунининг ҳар бир таркибий қисми таълим мақсадини амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар тил материалларини актив ва пассив минимумларга, ўқув йиллари, семестрларга тақсимлаш, нутқ фаолияти турлари учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида аудитория ва аудиториядан ташқари ҳолатларда бажариладиган иш турлари ва билимларни баҳолашда намоён бўлади.

Кинофильмлардан фойдаланиш. Фильмнинг айрим қисмлари кўрилади ва таҳлил қилинади. Фильмнинг диалогли парчаси бир неча бор кўрилади, сўнг ўша диалогнинг матни олдиндан тайёрланган карточкаларда таҳлил қилиш учун талабаларга тарқатилади. Сўнг диалог матнида қўлланилган етакчи сўзлар ва унда ишлатилган грамматик ҳодисалар устида ишлар бажарилади.

Радиодан фойдаланиш: Радио орқали сўнгги хабарларни эшитиб бориш тил ўрганувчиларнинг рецептив кўникма ва малакаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Илғор тажрибанинг кўрсатишича, радио орқали сўнгги хабарларни тинглаб тушуниш аввалида қийин кечади, лекин радиони мунтазам равишда кунига 30 дақиқадан тинглаб бориш тил ўрганувчиларнинг тинглаб тушуниш малакаларини шакллантиради.

Машғулотларда қуйидаги интерактив усуллардан фойдаланиш тавсия этилади: “Сирли сандиқ” (Поле чудес), “Аквариум”, “Ақлий ҳужум”, “Хотира харитаси”, “Гуруҳлар билан ишлаш”, “Компьютерли ўйинлар”, “Ёзма баҳслар”, “Кластер”, “Видеоанжуман”, “Бумеранг”, “3X4”, “Зигзаг”, “Музёрап ўйини”,

“SWOT”(Таҳлил), “Баҳс - мунозара”, “Муаммони ҳал этиш”, “Арра”, “Танқидий фикрлаш”, “Стол ўртасида ручка”, “Биргаликда билим олиш”, Э.Аронсон методи, Р.Слагин методи, Д.Жонсон ва Р.Жонсон методи, “Лойиҳа методи”, “Такдимот” (Презентация) ва бошқ. Хорижий тилларни ўқитиш кўп қиррали фаолият бўлганлиги боис ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятида янгидан – янги интерактив усулларни қўллаши мумкин. Машғулотларда интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш 70-80% талабанинг дарс жараёнида фаол қатнашишига имконият яратади.

Мультимедия дастурларидан фойдаланиш: мультимедия – бу аудио, видео, машқ графикаси асосида ўқув материални тил ўрганувчиларга тақдим этишдир. Мультимедия дастурларига интерактив электрон дарсликлар, улар таркибида яратилганг аудио, видео, расм, графика материалларига таянган машқлар, назорат тестлари, CD диск кўринишидаги аудио материаллар ва назорат тестлари ҳам қиради. Мультимедия дастурларини интернетга киритиш имкониятлари мавжуд. Бу ҳолда ўқувчи, талабалар билан ўқитувчи орасида дистант мулоқот ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, дистант таълим элементларини ўқув жараёнига киритиш имконини яратади, мустақил таълимнинг интерактивлик даражасини оширади. Илғор тажрибанинг кўрсатишича, мультимедия дастурларидан фойдаланиш таълимга сарфланадиган вақтнинг 30% гача тежаш имконини беради.

Тил ўрганувчиларнинг касбий компетенцияси доирасида лингвистик, коммуникатив, маданиятлараро мулоқот каби компетенциялар фарқланади. Лингвистик компетенциялар хорижий тил бўйича эгалланиши зарур бўлган лексик, грамматик ҳамда талаффузга оид билим, кўникма ва малакалардан ташкил топади.

Коммуникатив компетенция - нутқ фаолияти турлари – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувда ахборот олиш ва ахборот узатиш орқали мулоқот қилишни таъминловчи билим, кўникма ва малакалардан иборат. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси турли маданият вакиллари ўртасидаги шахслараро мулоқотни ташкил этиб, у лингвистик, коммуникатив компетенциялар билан бир пайтда шаклланиб боради. Нутқ маданияти тил нормалари (талаффуз, урғу ва оҳанг), сўзлардан тўғри фойдаланиш, грамматик ва стилистик ходисаларни билиш ва уларни нутқда тўғри ишлатишни тақозо этади. Сўзларни, гапларни тўғри талаффуз қилиш мулоқотнинг муҳим шартларидан биридир. Тўғри, раво талаффуз сўзловчи нутқининг барчага тушунарли бўлишини таъминлайди. Бироқ “Хорижий тил” ўрганишга ажратилган вақтнинг чегараланганлиги, талаффуз қийинчиликларининг турли даражада бўлиши каби ҳолатлар талаффузни аппроксимация тамойили ҳамда талаффуз қийинчиликларини типларга ажратиб ўргатишни тақозо қилади.

Лексика тил материалининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, уни танлаш, тақсимлаш ва тақдим этиш катта роль ўйнайди. Ҳар бир босқич учун кундалик инглиз тили ҳамда тил ўрганувчиларнинг мутахассислигига оид мавзулар бўйича лексик минимум танланади. Нутқ фаолиятининг барча турларида

қўлланиладиган лексик бирликлар актив минимумни, тинглаб тушуниш ва ўқиш жараёнида ишлатиладиган сўзлар пассив минимумни ташкил этади. Лексика устида ишлаш чет тиллар ўқитиш методикасида ишлаб чиқилган тамойиллар асосида амалга оширилади. Актив лексик минимумни ташкил этувчи сўзларни ўргатиш “маънодан шаклга”, пассив минимум лексик бирикмаларини ўргатиш эса “шаклдан маънога” қараб бориш шаклида амалга оширилади.

Лексик бирликлар орқали талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда сўзларнинг денотатив ва коннотатив маъноларига жиддий эътибор қаратиш жоиздир.

Таълим жараёнини интенсифлаштиришнинг самарали усулларидан бири лексик бирликларни типларга ажратиш ва улар асосида таълимни табақалаштиришдир. Лексик бирликларни табақали ёндашув асосида ўргатиш сўзларнинг бўғин таркиби (бир бўғинли – кўп бўғинли), маънолари (бир маъноли – кўп маъноли), тузилиши (соғда – ясама – қўшма сўзлар), конкрет ва мавҳум (конкрет - мавҳум), предлоглар билан бирикиши (предлогли - предлогсиз), ўзлаштириш учун қийинчилик даражаси (осон- қийин – энг қийин) каби типларни фарқлашни тақозо этади.

Талабаларнинг сўз бойлигини оширишда сўз яшаш усуллари ҳамда потенциал сўз захираларига жиддий эътибор қаратилади. Ҳар бир машғулотда сўз яшаш усуллари ҳамда талабаларнинг потенциал сўз захираларини бойитишга доир машқлар бажарилиши мақсадга мувофиқ.

Лексик бирликларни ўзлаштириш бўйича талабалар билимини назорат қилиш жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклларида амалга оширилади. Назорат усуллари ва уларнинг намуналари мазкур дастурнинг 11-бандида келтирилган.

Нутқнинг равон, тушунарли бўлиши маълум даражада сўзловчининг грамматик ҳодисалардан тўғри фойдаланишига боғлиқ. Бироқ нофилологик олий ўқув юртлари ҳамда филологик йўналишларда хорижий тилни иккинчи чет тил сифатида ўқитиш жараёнида грамматикага таълимнинг воситаси сифатида қаралади. Мазкур тамойилга кўра “нутқ жараёнида соғир бўладиган грамматик хато тингловчилар учун гапирувчи фикрини тушунишга халақит бермаса, мазкур нуқсон грамматик хато ҳисобланмайди”. (В.С.Цетлин).

Грамматик қоидаларни ўргатиш, кўникмаларни шакллантириш умумий методикада ишлаб чиқилган тамойиллар асосида олиб борилади. Грамматик ҳодисалар, лексика сингари актив ва пассив минимумларга ажратилади. Грамматик минимумларни танлаш илмий асосланган тамойиллар асосида амалга оширилади. Мазкур тамойиллардан бири тил ҳодисасини нутқ эҳтиёжига кўра танлаш ва уни тақдим этиш бўлиб, у грамматик минимумни танлаш жараёнида етакчи ўринни эгаллайди. Актив минимумни ташкил этувчи грамматик ҳодисалар устида ишлаш “маънодан шаклга”, пассив минимум ҳодисаларини ўргатиш эса “шаклдан маънога” қараб бориш шаклида олиб борилади.

Табақали ёндашув (осон, қийин, энг қийин, она тили грамматикаси ҳодисалари билан мос келиши / келмаслиги, қайси усул билан ясаши (аналитик, синтетик) грамматик материалларни тақдим этишда катта аҳамият касб этади.

Инглиз тили грамматикасини она тили грамматикаси билан қиёслаш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш талабаларнинг лингвокультурологик ва лингвистик компетенцияларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Грамматикадаги ўзлаштирилиши қийин ҳодисалар аниқланиб, уларнинг макро ва микрошаклларига эътибор қаратилиши ҳамда аудиториядаги машғулотлар коммуникатив метод асосида олиб борилиши юқори самара беради. Грамматика устида ишлашда “ўзлаштирилиши қийинчилик туғдирадиган ҳар қандай грамматик ҳодисани тушунтиришга 2-3 дақиқа вақт кифоя” (И.М.Берман), - тамойилига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг грамматика бўйича эгаллаган билимларини назорат қилиш жорий, оралиқ ва якуний назорат шаклларида амалга оширилади.

8.5. Нутқ фаолияти турлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш

Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг турларидан бири бўлиб, у икки жараён – матнни тинглаш ва унинг мазмунини англашдан иборат. Тинглаб тушунишга таълимнинг мақсади ҳамда воситаси сифатида қаралади. Бунда хорижий тилдаги жонли нутқ радио, ТВ, кино/видео фильмлар орқали тинганади ва тушунилади. Психофизиологик маълумотларга кўра, тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг рецептив турларидан бири бўлиб, у ахборот олишга хизмат қилади. Тинглаб тушуниш тил материални киритиш, тушунтириш жараёнида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тинглаб тушуниш талабаларнинг талаффуз, лексик ва грамматик кўникмаларини такомиллаштириш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тинглаб тушуниш малакалари умумий ва махсус дастурлар асосида шакллантирилади. Умумий дастур машғулот давомида инглиз тилида талаффуз этиладиган ўқитувчининг нутқи, (тушунтириш, кўрсатма бериш, талабалар жавобларини баҳолаш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш, тартиб-интизомга риоя қилишга ундаш кабилар) ҳамда талабаларнинг нутқлари (инглиз тилида жавоблари, бошқалар билан фикр алмашишлари) дан ташкил топади. Махсус дастур машғулотнинг маълум босқичида тил ўрганувчиларга ўқитувчининг жонли нутқда ёки механик ёзув орқали нотаниш матнни ўқиб эшиттириши ва у билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади.

Тинглаб тушуниш жараёнида хотиранинг роли муҳимдир. Уни ривожлантириш учун диктордан сўнг сўз, сўз бирикмалари, гаплар, қисқа диалог ва монолог шаклидаги матнларни такрорлаш юқори самара беради. Диктордан сўнг талаффуз тезлиги тобора ошиб борадиган гап ва қисқа матнларни такрорлаш машқи талабаларнинг нутқларини такомиллаштиради. Тинглаб тушунишга ўргатишда талабаларнинг башорат қилиш (олдидан ўйлаб топиш) қобилятларини шакллантириш муҳим ўрин тутаяди. Бунинг учун бирон-бир жумланинг бошини ёки охирини ўйлаб топиш, жумлада етишмаётган сўзларни топиб ўз ўрнига қўйиш, олдидан берилган сўз учун унга маъно жиҳатдан мос келадиган сўзларни танлаш, расмга қараб ёки матннинг сарлавҳасини ўқиб ёки матннинг биринчи жумласини ўқиб унинг нима ҳақида эканлигини тахмин қилиш,

матн парчаси билан танишиб гап нима ҳақида бораётганлиги, матн мазмуни асосида адабий қаҳрамон образини таърифлаб бериш, содир бўлаётган воқеалар тафсилотини баён этиш каби машқ турларидан фойдаланиш тасия этилади.

Талабаларнинг тинглаб тушуниш малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришда мустақил ишларнинг муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Радио, ТВ орқали инглиз тилида бериладиган эшиттиришларни мунтазам тинглаб бориш тил ўрганувчиларнинг нафақат тинглаб тушуниш малакаларини такомиллаштиради, балки уларнинг билим савияларини оширади, дунёқарашларини кенгайтиради, тилни ўрганишга бўлган кизиқиш, мотивацияларини кучайтиради, маданиятлараро мулоқот компетенцияларини ривожлантиради.

Тинглаб тушуниш учун махсус эшиттириладиган матнлар устида жиддий ишлаш лозим. Илк ва бошланғич босқичларда қўлланиладиган матнлар мазмуни содда бўлиши, тушуниш учун қийинчилик туғдирмаслиги керак. Бундай матнлар устида бажариладиган машқлардан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг эшитиш, эслаб қолиш қобилиятларини ривожлантириш, лексик бирликларнинг ўзига хос белги ва грамматик шаклларини эслаб қолишларини таъминлашдир. Ўзтиборни айниқса, омофон ва омограф сўзларга қаратиш лозим. Аудиторияда машғулотларида техник воситалардан (аудио, видео техника, кинофильм, лингафон дастурларидан) фойдаланиш тавсия этилади.

Тинглаб тушуниш малакаларини шакллантиришнинг илк босқичида тил материали талабаларга таниш бўлган содда матнлардан, кейинги босқичларда мураккаброқ ва аутентик матнлардан иборат бўлади. Тинглаб тушуниш малакалари назоратнинг жорий, оралиқ ва якуний шаклларида текшириб борилади.

Гапириш. Гапириш сўзловчининг фикрини изҳор қилишга қаратилган нутқ фаолиятининг продуктив турларидан бири ҳисобланади. У икки шаклдан иборат: диалог ва монолог. Ҳар иккала шакл умумий кўринишларга эга бўлсада, улар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг умумий хусусиятлари тил материалини ўзлаштириш, тайёрланган ва тайёрланмаган нутқ механизмларида ифодаланади. Гапиришнинг ҳар иккала шаклида ҳам нутқ фаолияти турларининг ўзаро боғлиқ хусусиятлари мавжуд.

Ўқув материалларини педагогик технологиялар имкониятлари нуқтаи назаридан қуйидаги тўрт турга бўлиш мумкин:

- (1) анъанавий, соф полиграфик кўринишидаги ўқув материаллари;
- (2) таркибида аудио/видео материаллар мавжуд полиграфик кўринишдаги ўқув материаллари;
- (3) таркибида аудио/видео материаллар ва компьютер технологиялари мавжуд полиграфик кўринишдаги ўқув материаллари;
- (4) замонавий ахборот технологияларига (лазер диски ёки интернет/интранет технологияси) таянган интерактив ўқув материаллари (таркибида полиграфик кўринишдаги ўқув материали мавжуд материаллар).

Ўқув жараёнини ташкил этишда одатда икки услубдан фойдаланилади: (1) тилнинг кичик элементларини асос қилиб олган ҳолда катта элементларни таҳлил қилиб бориш билан боғлиқ фаолият (down to up activity). Мазкур услуб одатда хорижий тилни ўқитишнинг илк, бошланғич босқичларида кузатилади. Чунки тилнинг кичик элементлари ва уларнинг ишлатилиш қоидаларини билмаган талабаларда мулоқот кўникмаларини ривожлантириш қийин кечади; (2) Ушбу услуб юқори босқичларга хос. Бунда тилнинг йирик элементи ҳисобланган матнни чуқурроқ тушуниб етиш мақсадида матн қисмлари (гап, сўз бирикма, сўз шакллари, ва ҳ.к.) таҳлил қилиб борилади (up to down activity). Мазкур услубни таҳлил қилиш ва келгусида самарали ишлашни таъминлаш учун қуйидаги икки жараён ҳисобга олинади:

- фаолиятлар (топшириқлар тизими) жараёни;
- ментал ҳаракат жараёни.

Фаолиятлар жараёнига ўқитувчи томонидан махсус услубий мақсадни кўзлаган ҳолда юритиладиган ҳаракатлар йиғиндиси киради. Таркибий қисмлари жиҳатидан мазкур ҳаракатлар икки кўринишда бўлади:

1. Ўқитувчи томонидан аудиторияда у ёки бу мавзунини ўзлаштиришда ишлатиладиган топшириқлар;
2. Талабаларнинг мустақил иш жараёнини таъминлайдиган топшириқ ва вазифалар.

Ментал ҳаракат жараёни маълум бир услубий мақсадни кўзлаган ҳолда фаолият жараёнида эришилган натиждир.

Қуйи-ўрта босқич таҳсилининг аудитория ҳамда мустақил иш жараёнларидаги фаолият таркиби ва ментал ҳаракатлар жараёнида эришиладиган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган:

№	Фаолият (топшириқлар) таркиби	Ментал ҳаракат натижалари
1.	Машғуллот мавзусига тегишли ва мавзунини таништиришга мўлжалланган саволлар, мунозаралар/кўргазмали қуроллар.	Диққатни мавзуга жалб этиш.
2.	Дарс мавзусига тегишли бўлган биринчи матнни ўқиш ёки тинглаш орқали таништириш.	Тил материалининг киритилишини таъминлаш.
3.	Схема/режа/жадвал/ҳа:йўқ жумлалар/қачон?, қаерда?, ким?, нима?, нечта? каби саволлар ёрдамида мавзунинг бадиий қабул этилиши.	Маънонинг таҳлил қилиниши.
4.	Нега?/қандай қилиб?/қандай йўллар орқали?/таққослай оласанми? каби саволлар ёрдамида мавзу юзасидан фикр юритилиши, хулоса чиқарилиши.	Маънони ривожлантириш, кенгайтириш.
5.	Мазкур мавзуга тегишли бўлган иккинчи матнни ўқиш ёки тинглашга йўналтириш.	Қўшимча тил материалининг киритилишини таъминлаш.

6.	Режа/таблица/бўш жойларни тўлдириш ёрдамида мавзунинг бадий қабул этилиши.	Маънонинг таҳлил қилиниши.
7.	Иккинчи матндаги янги грамматик материални таҳлил қилиш.	Маънонинг таҳлил қилиниши.
8.	Калит сўзларга асосланган машқ.	Маънонинг таҳлил қилиниши.
9.	Ролларга асосланган ўйин/ суҳбат/откретка, қарорлар рўйхатини тайёрлаш/фикрни ёзув матнида ифодалаш, хат ёзиш.	Кутилмаган вазиятларда ёзиш ва мулоқот малакаларини шакллантириш.
10	Назорат	Ўзлаштирилган билим ва кўникмалар намойиши.

8.6. Таълим методикаси таҳлилининг амалиётдаги намунаси (аудиториядаги топшириқлар ва мустақил фаолият учун машқлар намуналари)

Боб сарлавҳаси: Табиат манзараси

1. **Focusing activity** - дарс сарлавҳасига тегишли ва мавзунинг ёритишга мўлжалланган саволлар. “Табиат манзараси” мавзусини мазкур саволлар ва имкониятга қараб бир неча расмлар ёрдамида таништиринг:

- Табиат деганда нимани тушунасан?
- Табиатга оид қандай сўзларни биласан? Табиатга оид сўзларни сарлавҳалар ёрдамида гуруҳларга ажратинг?
- Ҳайвонот олами ва ёввойи ўсимликларни сақлаш борасида қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?

2. **On the Line Activity** – “The Chatkal Reserve” матнини ўқиш:

- ўқитувчи матнни овоз чиқариб бир ёки икки марта ўқийди. Талабалар ўзларининг матн нусхаларидан фойдаланиб ўқитувчидан кейин такрорлайди;
- юзаки таҳлил учун саволлар;
- ўқитувчи талабаларни жуфтларга ажратиб, қуйидаги жадвални тўлдиришни сўрайди. Вазифа бажарилганидан сўнг жавоблар юзасидан қисқа мунозара ўтказилади;

Паркнинг номи	Қачон очилган
Биринчи абзац матни нима ҳақида?	
Иккинчи абзац матни нима ҳақида?	
Матнда учраган барча ўсимликлар номини айтинг	
Матнда учраган барча ҳайвонлар номини айтинг	

- ўқитувчи қуйидаги саволларни беради, талабалар эса “ҳа” ёки “йўқ” шаклида инкор ёки тасдиқловчи жавобни берадилар.

- Чотқол кўриқхонаси Тошкентдан 46 мил узоқликда жойлашганми? - Йўқ.

- У 1947 йилда очилганми? - Ҳа.

- Чотқол тоғларидаги кўриқхона ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида очилганми? - Ҳа.
- У ердаги ўсимликлар дунёси ноёб ва чиройлими? - Ҳа.
- Дарахтлар бошқа бирор ерда ўсмаганлиги учун муҳофаза этилиши керакми? - Ҳа.

3. Between the Line Activity - маънони ривожлантириш, кенгайтиришгага мўлжалланган қабул этилиши мураккаб даражадаги саволлар жараёни:

- Нима учун ҳайвонлар тоғларда яшайди?
- Дарахтни ўстириш осонми, нега?
- Нима мақсадда кўриқхона очилган эди?
- Қандай қилиб кўриқхона ҳайвонларни муҳофаза қилади?
- Нима учун арслонни учратсангиз ўзингизни нари тутишингиз керак?
- Матн муаллифи фикрича ... қуш сизга бахт келтирадими?
- Нега ... қушни тутиш мушкул?
- Мабодо паркка борсангиз авваламбор нимани кўришни истар эдингиз? Нега?
- Қайси жиҳатлари билан паркиннг ёзги манзараси қишки манзарасидан фарқ қилади?
- Паркка қайси фаслда ташриф буюришни истар эдингиз?
- Ўзбек мақолларидан мазкур матнга нисбатан иккитаси тўғри келган бўлар эди:
 - а) Агар бахт қуши бошингизга қўнса, ундан тезда фойдаланиб қолинг.
 - б) Дарахт ўстириш уй қуриш билан баробар.
- Матнни чуқурроқ англаш мақсадида грамматикани ўзлаштириш билан боғлиқ машқлар, топшириқлар.
- Матнни чуқурроқ англаш мақсадида янги сўзларни ва грамматик материални мустаҳкамлашга қаратилган машқлар, топшириқлар: масалан, талабалар тоғ леопардининг расмига қараб рақамлар ўрнига аъзо баданининг номларини ёзишлари керак. Қуйидаги сўзлардан зарурини танлашлари керак - боши, қўли, қулоғи, думи, бели, кўзи, орқа қисми, бурни, кўкраги, оғзи.

4. Beyond the Line Activity - қўшимча тил материалининг киритилиши билан боғлиқ ўқув материаллари, топшириқлар.

- Қайси бирини ёқтирасиз? Нега? Бу жумлалар, мақоллар тўғрими?
- Ўқувчиларга тоғ арслонининг расми ҳақида савол бериш керак. У қандай ҳайвон? Қаерда яшайди? Уларнинг бирортасини кўрганмисиз? Бундан сўнг икки киши иштирокида талабаларга диалог ўқилади ёки аудиокассетадаги матн эшиттирилади. Диалог бир марта ўқиши лозим. Тилни паст даражада ўзлаштирган талабаларга ўқитувчи диалогни қисқартирилган ҳолда ёки унинг бирор қисмини ўқиб бериши мумкин.
- Ўқитувчи “предлог” атамаси билан талабаларни таништириши ва диалогдаги барча предлогларни топишларини сўраши керак. Бундан сўнг

ўқитувчи талабаларнинг мазкур предлогларни ишлатишларига имкон бериши керак. Бунга у диалогнинг иккинчи устунида келтирилган саволларни бериш орқали эришиши мумкин. Ўқитувчиги қўшимча вазифалардан ҳам фойдаланиши тавсия этилади. Масалан, кун давомида, сахар давомида, тун давомида; кечкурун, кундуз кун, соат бирда, ярим тунда; ёзда, қишда, баҳорда, кузда.

- Диалог таҳлиliga мўлжалланган саволлар. Ўқитувчи талабаларни уч кишидан иборат гуруҳларга ажратиб, қуйидаги схемани тўлдиришни сўрайди:

Тоғ арслони	
Номининг маъноси	
Ранглар (3)	
Қишки яшаш уйи	Ёзги уйи
Таоми (4)	
Ов қилганда арслон	ваишлатади.

* Вазифага таянган фаолият - диалогни тузиб гапириб беринг. Талабалардан жуфтларга бўлиниб бир дақиқалик она ва бола арслонлар ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган диалогни тайёрлаш сўралади. Сухбат, энг камида қуйидаги ғоялардан иккитасини қамраши керак:

- Нимани еса яхши бўлади?
- Қандай қилиб қатта ҳайвонни тутиш мумкин?
- Қорнинг кўриниши қандай?
- Нега арслон қишда совқотмайди?
- Инсонлар кимга ўхшайди?

Ўқитувчи ушбу матнни икки марта ўқийди. Талабалар эса ёзмасдан уни тинглайдилар. Икки марта ўқишнинг орасида бир дақиқа ўйлашга уларга муҳлат берилади. Бу пайтда улар матн мавзуси ҳақида ўйлаб кўришлари керак бўлади. Матн ўқилганидан сўнг талабалар тўрт кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб матнни сўзма-сўз тиклашлари лозим. Ҳар бир гуруҳ ўз имкониятларини намоиш этиш мақсадида доскага ёки қоғозга ёзишлари керак. Турли версиялар ўқиб берилишидан аввал ўқитувчи матн мазмунини синф билан биргаликда яна бир марта муҳокама қилади. Бу турдаги вазифадан мақсад талабаларни чет тилида тинглаш, ёзиш ва гапиришга жалб қилишдир.

9. МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишлар нутқ фаолиятининг қуйидаги кўринишлари бўйича ташкил этилади: мутахассисликка оид адабиётни она тилига таржима қилиш, ўқиш турлари (танишув ўқиш, ўрганув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш - **Scanning, Scimming, Speed reading**), ёзиш, эшитиб тушуниш ва сўзлаш. Ҳар ой мутахассисликка оид 15 бет матнни таржима қилиш таклиф этилади. Юқори малакали мутахассис ихтисосликка оид матнни умумий тасаввур қилиш (танишиб чиқиш) учун юзаки қараб чиқа олиши, ўзини қизиқтирган масала бўйича керакли маълумотларни топа олиши, бўш вақтида

публицистик, илмий-оммабоп ва ижтимоий-сиёсий мавзудаги адабиётни ўқий олиши лозим. Ўрганув ўқиш (**Scimming**) талабанинг ихтисослигига оид ўқув адабиётлари асосида олиб борилади. Ўқишнинг мазкур кўринишини назорат қилиш матнни тўлиқ ёки қисман таржима қилиш шаклида ўтказилади.

Тинглаб тушуниш. (Listening Comprehension) Чет тилида ифода этилган нутқни тинглаш ва уни тушуниш нутқ фаолиятининг мураккаб тури ҳисобланади. Тинглаб тушунишни осонлаштириш учун махсус нутқ дастури ишлаб чиқилади. Дастурда лингафон кабинетда матнларни тинглаш жадвали, матнлар характери ва уларнинг ҳажми, аудиториядан (дарсдан) ташқари тинглашга мўлжалланган матнлар мазмуни, назорат турлари ва усуллари ўз аксини топади.

Танишув ўқиш (Scanning) мустақил иш турларидан бири сифатида уйда ўқиш шаклида амалга оширилади. Ўқишнинг бу туридан фойдаланиш учун мослаштирилган (тушунтириш берилган) илмий-оммабоп матнлар, объектив характерга эга бўлган бадиий китоблар танланади. Ўқиш ҳажми бир ҳафтада 6-8 бетни ташкил этади. Назорат турлари: ўқилган матн мазмуни бўйича ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб бериш, айрим вазифалар бўйича ахборот бериш, саволлар бўйича мунозара уюштириш, ҳикоя ёки ахборот режасини тузиш ва ҳ.к.

Ўрганув ўқиш (Scimming) мутахассислик мавзулари бўйича олиб борилади. Унда мутахассисликка оид маълум маълумотни англаш ва ундан касбий фаолиятда фойдаланиш учун машқлар бажарилади. Матн мазмуни луғат ёрдамида тўлиқ таржима қилинади. Мақсадга тўлиқ эришиш учун ўқитувчи талабаларга турли вазифалар беради.

Кўз югуртириб (Speed reading) ўқишга мустақил равишда газета ва журналлардан олинган ижтимоий-сиёсий, ва публицистик характерга эга бўлган матнларни ўқиш тавсия этилади. Талабалар газета ва матнларни қизиқишлари доирасига мос равишда ўзлари танлаб олади ва ҳар бир дарсда қараб чиққан материаллари ҳақида ахборот берадилар. Ўқишнинг мазкур тури ҳажм жиҳатдан чегараланмаган. Талаба маълум бир газета бўйича ахборот бериши ёки аниқ бир мавзу бўйича бир неча газетага шарҳ бериши мумкин.

Гапириш. (Speaking) Талабаларнинг диалогик ва монологик нутқ бўйича мустақил иши дарсда ўтиладиган ўқув материали асосида ташкил этилади. Мустақил иш мазмуни ва уни назорат қилиш шакллари ўқитувчи томонидан дидактик, психологик, услубий ва лингвистик омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади (масалан, ўқув материалнинг мураккаблиги ва унинг ишлаб чиқилганлик даражаси, янги тил материалнинг ҳажми, талабаларнинг тил соҳасидаги тайёргарлик даражаси, малака ва кўникмаларининг шаклланиш босқичи ва ҳ.к.). Мустақил ишлаш учун вазифа сифатида қуйидагилар тавсия этилади: топширилган мавзу бўйича ахборот тайёрлаш, матн мазмунини сўзлаб бериш, мавзуга оид актив лексика ёрдамида ҳикоялар тузиш, маълум масала ёки вазиятни муҳокама этиш ва ҳ.к.

Ёзув. (Writing) Ёзув бўйича мустақил иш ёзув техникаси (графика, орфография, пунктуация) устида ишлашни ва ўз фикрини ўрганилаётган чет тилида ифода этишни назарда тутди. Мустақил иш мазмуни қуйидагилардан иборат:

- аннотация, резюме, реферат ёзиш (тузиш);
- нутқ сўзлашдан олдин нутқнинг режасини ёки унинг тезисини тайёрлаш;
- ҳар хил хатлар, табрикномалар, таклифлар, хизмат вазифаларига оид хатлар матнини тузиш;
- ўқишга ёки ишга кириш учун ариза ёзиш;
- мутахассисликка оид ҳар хил ҳужжатларни расмийлаштириш.

Ёзув малакаларини такомиллаштиришнинг самарали усуллари билан бири эссе ёзишдир. Чунки услуб жиҳатидан эссе оғзаки нутққа яқин ва бу вазият талабалар ҳис-туйғуларини ифода этишларига кенгроқ имконият, шунингдек, талабалар дунёқарашларини тушуниш, уларнинг тил бўйича билимларидаги нуқсонларни аниқлаш ва тузатишга имконият яратилади. Бундан ташқари эссе ёритилаётган материалга мантиқий ёндашиш, ўз фикрини бошқалар фикри билан қиёслаш, уни ҳимоя қилиш, хулосаларни далиллар ёрдамида исботлашга ёрдам беради.

Эссе ёзиш учун таклиф этиладиган мавзулар:

1. Коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиши мамлакатлар ва халқларни бир-бирларига тобора яқинлаштирмоқда. Мамлакатимизни бошқа мамлакатлар билан яқинлаштирувчи нарса нима? Фикрингизни исботлаш учун мисол ва далиллар келтиринг.
2. Ёшлар ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида турли мақсадларни кўзлаб ўқийдилар. Кишиларни олий маълумот олишга нима ундайди (билимларини чуқурлаштириш, янги тажриба орттириш, хизмат соҳасида олға интилиш, иқтисодий аҳволини яхшилаш ва ҳ.к)? Нима сабабдан сиз маълумотингизни давом эттиришга қарор қилдингиз? Фикрингизни исботлаш учун далил ва фактлар келтиринг.
3. Ўзбекистон анъана ва урф-одатларга бой мамлакат ҳисобланади. Аммо айрим анъаналар ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда, бошқалари эса янада кенг тарқалмоқда. Келгуси авлод учун урф-одатларнинг қайси бирини сақлаб қолмоқчисиз? Нима учун? Тушунтириб беринг.
4. Яшаш учун бошқа мамлакатга кўчиб борган кишиларнинг айримлари янги ватанларидаги урф-одатларга риоя қилишни лозим топадилар. Бошқалари эса ўз миллий анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Ҳар иккала ёндашувни таққосланг. Сизнингча қайси бири маъқул? Фикрингизни конкрет мисоллар ёрдамида ифодаланг.
5. Сиз “Олий таълим муассасаларида талаблар ўзлари ўрганишни хоҳлаган курсларни танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим”, - деган фикрга қандай қарайсиз? Фикрингизни мисоллар ёрдамида исботланг.
6. Қуйидаги “Фақат кўп пул топадиган кишиларгина муваффақиятга эришади”, - деган фикрга эътибор беринг. Сизнингча муваффақиятга эришиш учун нима ёрдам беради? Фикрингизнинг далили учун мисоллар келтиринг.

Эссе мавзулари TOEFL таклиф этган мавзулар мажмуасидан танлаб олинади. Ўқитувчи уларни ўзгартириши мумкин, эсселар сонига (ойда бир ёки семестрда уч эссе) ва уларнинг ҳажмига (1,5-2 минг сўз бирлиги) бўлган талаб ўзгармаслиги лозим. Ўқиш ва таржима натижаларидан реферат, мақола, маърузалар ва диссертация ёзишда фойдаланилади. Ўқиш ва таржима учун бериладиган ихтисослик бўйича матн ҳажми бир ойда 15 бет.

Юқори технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этилиши ўқувчи ва талабаларнинг мустақил иш фаолиятини интенсифлаштиради, янги турдаги вазифалар намуналарини яратилишга олиб келади, келтирилаётган материалнинг интерактивлигини сезирарли даражада оширади. Бунга асосий сабаб - ахборот етказиш воситаларнинг бир ахборот намоёиш этиш предмети доирасида ифода этилиш имконияти пайдо бўлганлигидадир. Масалан, аввал графика (ёзув), расм ва ҳ.к. кўринишдаги ахборот – қоғозда; аудио ахборот - оғзаки нутқ, аудио тасма, радио, телевизорда; видеофильм кўринишдаги ахборот – видеотасма, телевизорда намоёиш этилар эди. Бу эса турли ахборот етказиш воситалари комбинацияларидан ташкил топган машқларни яратилишига тўсқинлик қилар эди. Компьютер монитори маҳсус дастур ёрдамида ахборот етказиш барча воситаларини жамлаган ҳолда ўзида намоёиш этиш имкониятга эга, аудиторияда бажариши лозим бўлган вазифаларнинг талайгинасини мустақил иш эвазига амалга ошириш имкониятларни яратади. Демак, электрон дарсликларда янги турдаги машқларни яратилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, талаба ва ўқувчиларнинг интенсифлаштирилган, юқори даражадаги интерактивлик кўрсаткичларга эга, ахборот етказиш воситалари комбинацияларидан ташкил топган вазифалар билан бойитилган мустақил иш фаолиятини қайта ташкил этишга катта имкониятлар яратади. Электрон ўқитиш материаллари, машқларни интернетга ўрнатиш ва ўқитувчи билан талаба ўртасида дистант мулоқот учун шароит яратиш масофавий таълим элементларини ўқув жараёнига жорий қилишда, талабалар мустақил ишларини бойитишга катта ҳисса қўшади.

10. НУТҚ ФАОЛИЯТИДА ЗАРУР БЎЛАДИГАН КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР НАМУНАЛАРИ

10.1. Нутқ фаолияти турлари учун зарур бўладиган кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган вазифалар намуналари

Нутқ фаолияти турлари учун зарур бўладиган кўникма ва малакаларни ривожлантирувчи вазифаларга таълим стандартларида кўрсатилган тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма тарзда ифодалаш, гапириш (сўзлашиш) кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш учун қўлланиладиган вазифалар ҳамда шаклланган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишга хизмат қилувчи топшириқлар мажмуаси киради. Мазкур дастурда келтирилган вазифа намуналари ҳамма учун мажбурий эмас. Вазифалар рўйхатига ҳар бир кафедра ихтисослик хусусиятларидан келиб чиқиб қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиши мумкин.

10.2. Тинглаб тушуниш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қиладиган вазифалар намуналари

1. Ўқитувчидан сўнг инглиз тилидаги матнни такрорлаш.
2. Инглиз тилида берилган матн мазмунини тушуниб, қўйилган вазифага инглиз тилида жавоб қайтариш.
3. Мустақил равишда инглиз тилида берилган матнни ўқиб тушуниш ва алоҳида вазифа белгилаб уни бажариш.
4. Вазифа доирасида техник воситага кўчирилган инглиз тилидаги матнга жавобни оригинал тилда аудиокассетага ёки компьютерга ёзиб қўйиш (бу турдаги иш мустақил иш тарихида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бажарилиб ўқитувчига топширилади).
5. Инглиз тилидаги матнни тинглаш давомида “калит” сўзларни ёзиб бориш.
6. “Калит” сўзларга асосланиб тингланган матн режасини тузиш ва уни оғзаки баён этиш.
7. Тингланган матнга асосланиб, 2-3 “калит” сўзга таянган ҳолда нутқ вазиятини ёзма-оғзаки равишда тузиш.
8. “Калит” сўзларга таянган ҳолда матн парчаларини инглиз тилидан она тилига, она тилидан инглиз тилига синхрон таржима қилиш.

10.3. Ўқиб тушуниш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қиладиган вазифалар намуналари

1. Нотаниш сўзлар маъносини берилган матнга таянган ҳолда аниқлаш.
2. Мусобақа тарзида матнни инглиз тилидан она тилига тез таржима қилиш.
3. Ўқилган матннинг режа (схема) сини тузиш.
4. Матннинг “калит” сўзларини аниқлаб, уларга таянган ҳолда баён ёзиш.
5. Матннинг “калит” сўзларини аниқлаб, уларга таянган ҳолда матн ғоясини оғзаки баён қилиш.
6. Ўқилган матнга таяниб топшириқларни бажариш (тест-синов шаклида).

10.4. Фикрни ёзма тарзда ифодалаш малакаларини ҳосил қилишда қўлланиладиган вазифалар намуналари

1. Компьютер мониторида инглиз тили имлосини ўзлаштиришга оид вазифаларни бажариш.
2. Ўтилган материалларга асосланиб, миқдоран чекланган гапларни хатга кўчириш (free writing).
3. Берилган вазифани ҳисобга олган ҳолда инглиз тилидаги гапни 2-3 гаплардан иборат нутқ вазиятига айлантириш.
4. Берилган 2-3 “калит” сўзни бир-бири билан боғлаш.
5. Инглиз тилида тингланган матн мавзусини ёзма матн шаклида ифодалаш (баён ёзиш).
6. Берилган вазифага асосланган ҳолда иншо ёзиш.

10.5. Гапириш кўникмаларини ҳосил қилиш учун вазифалар намуналари

1. Артикуляция кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида тилнинг турли қатламларига оид талаффуз билан боғлиқ вазифаларни бажариш.

2. Монологик (диалогик) матнлардаги ахборотдан “калит” сўзларни аниқлаш ва уларга таянган ҳолда матн мавзусини оғзаки баён этиш.
3. 2-3 “калит” сўзга таянган ҳолда оғзаки нутқда ситуация тузиш.
4. Берилган вазифанинг моҳиятига кўра, “тингловчи-тингловчи” шаклида оғзаки суҳбат ўтказиш.
5. Эркин мавзу бўйича суҳбат уюштириш.
6. Вазифа қилиб берилган мавзу матнига таяниб суҳбат уюштириш.

11. РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Тилни ўзлаштиришнинг илк даражасида (Break through A1) рейтинг назорати ва баҳолаш мезонлари

Кундалик назорат шартлари: электрон дарсликдаги 100% шкаласида бажарилган машқлар 20 % шкаласига ўтказилиб ўлчанади.

Оралик назорат шартлари: 50% шкаласида ўлчанади, таркибига вазиятла грамматикаси (SG), ўқиб тушуниш (RC), тинглаб тушуниш (LC), фикрни ёзма тарзда ифодалаш (EW), фикрни оғзаки нутқ воситасида ифодалаш (OC) киради.

EW назорат шартлари: (илк ва бошланғич босқичлар учун) - ўтилган грамматика ёки луғатга таянган ҳолда 15 гап ёзиш (free writing).

	15 sentences and more	10-15 sentences	6-9 sentences
Grammar	0-1 mistake - 5 points 2-3 mistakes - 3 p. 4-5 mistakes - 2 p. 6-7 mistakes - 1 p. 8 and more mist. - 0	0-1 mistake - 3 points 2-3 mistakes - 2 points 4-5 mistakes - 1 point 6 and more mist. - 0	0-1 mistake - 2 points 2-3 mistakes- 1 point 4 and more mistakes - 0
spelling	0-2 mist.- 3 points 3-4 mist.- 2 points 5-6 mist.- 1 point 7 and more mist. - 0	0-2 mist. - 2 points 3-4 mist. - 1 point 5 and more mist. - 0	0-2 mist. - 1 point 3 and more mist. - 0
voc.	0 mist. - 2 points 1 mist. - 1 point 2 and more mist. - 0	0 mist. - 1 point 1 and more mist. - 0	No points at all

Яқуний назорат шартлари: оғзаки синов қуйидаги шаклда ўтказилади -

Name	Monological speech			score out of 15	Dialogical Speech			score out of 15	Total score: Out of 30
	ten sentences 2 sent. – 1 point Out of 5	Voc.+ Gr. 3mistakes 1 point reduction Out of 5	Teacher questions Out of 5		5questions + 5 replies 5 points Out of 5	Content 5 points Out of 5	Voc.+Gr. three mistakes- 1 point reduction Out of 5		
1 Kim I.	3	4	2	9	3	3	2	8	17

Илк босқичнинг (Break through A1) умумий назорати:

20% - кундалик назорат + 50% - оралик назорат + 30% - якуний назорат

Тилни ўзлаштиришнинг бошланғич даражасида (Waystage A2) рейтинг назорати ва баҳолаш мезонлари

Кундалик ва оралик назорат шартлари илк босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари:

ўтилган монологик матн ўқиб берилади (талаба шу мавзуни 15 гапда ёзувда ифодалаб бериши шarti билан);

ўтилган диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади (талаба уни монологик матнда 15 гап билан ифодалаб бериши шarti билан);

босқич якунида 1-2 бетдан иборат тақдимотнинг матнини яратилиши.

EW баҳолаш шартлари илк босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

Якуний назорат шартлари: балларнинг жами - 30, бундан,

Accuracy - тўғри талаффуз этиш, луғатни тўғри ишлатиш, грамматик хатолар қилмаслик – 5 балл;

Fluency - нутқнинг тезлиги, фикрнинг эркин ифодаланиши, нутқнинг равонлиги – 5 балл;

Effectiveness - матн мавзусини ифода этишда дадиллик, тушунарли етказиш, мисолларни ўринли ишлатиш - 5 балл.

n a me	O R A L S P E E C H E V A L U A T I O N					
	DIALOGICAL SPEECH			MONOLOGICAL SPEECH		
	Accuracy score-5 p.	Fluency score-5p.	Effectiveness score-5 p.	Accuracy score-5p.	Fluency score-5p.	Effectiveness score-5 p.
1.						
2.						

Бошланғич босқич умумий назорати илк босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

Тилни ўзлаштиришнинг куйи-ўрта даражасида (Threshold B1) рейтинг назорати ва баҳолаш мезонлари

Кундалик, оралик ва якуний назорат шартлари бошланғич босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари:

ўтилган мавзуларга оид монологик ёки диалогик матн ўқиб берилади, талаба мавзуни 15 гапда ифодалаб бериши шarti билан;

янги ўтилган материал асосидаги диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, талаба эса уни монологик матн шаклида 15 гап билан ифодалаб бериш шarti билан;

маълум бир мавзу бўйича иншо ёзиш, тақдимот тайёрлаш.

EW баҳолаш шартлари бошланғич босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

Қуйи-ўрта босқич умумий назорати бошланғич босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

Тилни ўзлаштиришнинг ўрта даражасида (Threshold B2) рейтинг назорати ва баҳолаш мезонлари

Кундалик, оралик ва якуний назорат шартлари қуйи-ўрта босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари:

ўтилган мавзуларга оид монологик ёки диалогик матн ўқиб берилади, талаба мавзуни 15 гапда ифодалаб бериши шarti билан;

янги ўтилган материал асосидаги диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, талаба эса уни монологик матн шаклида 15 гап билан ифодалаб бериш шarti билан;

маълум бир мавзу бўйича иншо ёзиш, тақдимот тайёрлаш;

схема, графикларда ифодаланган ахборотни ёзма матнда ифодалаб бериш;

факультет мутахассислиги йўналиши бўйича тақдимот тайёрлаш;

EW баҳолаш шартлари қуйи-ўрта босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

Ўрта босқич умумий назорати қуйи-ўрта босқич даражасидаги шартлардан фарқ қилмайди.

12. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиёт

Кундалик турмуш даражасидаги мулоқот учун мўлжалланган инглиз тили *Интерактив электрон дарсликлар мажмуаси:*

А.А.Исмаилов, Нигматов Б.Н. “Distant Ta`lim”. Инглиз тилидан мультимедияли электрон дарсликлар мажмуаси (5 босқичли). Давлат патент идораси. Маълумотлар базасининг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома № ВГУ 0023. Ўзбекистон Республикаси маълумотлар базалари давлат реестрида 23.09.2009 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.

Босқичлар: илк, қуйи-бошланғич, бошланғич (таркибида иқтисодиёт ва давлатчилик мутахассислиги материаллари билан); қуйи-ўрта, ўрта.

Полиграфик кўринишдаги ўқув материаллар вариантлари:

1. A.A.Ismailov. Short Intensive Computer-Linguaphone Course of Social English. Resource Book. Zero Level. Elementary level. – Tashkent, 2008.
2. A.A.Ismailov. V.A Fyodorov. Short Intensive Computer-Linguaphone Course of Social English. Home Study Book. Zero Level. Elementary level.– Tashkent, 2008.
3. A.Ismailov. English for beginners. Teachers Guide. - Tashkent, 1997.
4. A.A.Ismailov, G.A.Tursunova, S.A.Zinnalova, K.N.Kayumova, G.A.Siyayeva, N.A.Fayziyeva. Dayly Routine English. Resource Book. Work Book. .Toshkent 2008. (For Pre-intermediate Level).

5. A.A.Ismailov, N.I.Melenevskaya, S.G.Shadiyeva, V.B.Lapshin, K.M.Atakhojayeva. Enjoy your travel. Resource Book. Work Book. Tashkent 2008. (For Intermediate Level).

Мутахассисликка оид инглиз тили:

1. A.A.Ismailov, V.A.Fyodorov, V.B.Lapshin, N.A.Melenevskaya. State and Social Construction ESP. Intensive Computer-Linguaphone Course for Beginners and Further levels. Resource Book. Work Book. Тошкент, 2008.

2. A.A.Ismailov, V.A.Fyodorov, Tursunova G.A., Morosova A.O., Bekmatova E.G. Market Economy ESP. Intensive Computer-Linguaphone Course for Beginners and Further levels. Resource Book. Work Book. - Тошкент, 2008.

3. Т.Саттаров. English for Law Students. Part One. Fifth edition. –Tashkent, TSLI, 2009

4. Т.Саттаров, Н.Хисматуллина, В.Нормуратова. English for Law Students. Part Two. Second edition. –Tashkent, TSLI, 2009

Илова: 1 ва 2 бандда келтирилган адабиётлар инглиз тили интерактив мультимедияли электрон дарслик таркибининг узвий қисми сифатида намоиши этилади).

Инглиз тили ўқув материаллар мажмуасининг вариантлари:

полиграфик дарслик + 24 аудиокассета (ёки CD га жойлаштирилган аудио материаллар);

полиграфик дарслик + яқка компьютерда ишлашга мўлжалланган 4 CD дан иборат баҳолаш тизими билан таъминланган интерактив электрон дарсликлар мажмуаси;

полиграфик дарслик + локал тармоқда ишлашга мўлжалланган 4 CD дан иборат баҳолаш тизими билан таъминланган интерактив электрон дарсликлар мажмуаси;

полиграфик дарслик + баҳолаш тизими билан таъминланган интерактив электрон дарсликлар мажмуасининг интернет намунаси.

Қўшимча адабиёт

1. Frel M., Абдураимова Я., Чан А., Ибрагимова Г., Мирзоянова А. Get in Touch. Tashkent 2008.

2. Barkley M., Ибрагимова Г., Абдураимова Я. Keep in Touch . Tashkent 2008.

3. Боқиева Г., Ирискулов А ва бошқ. Stay in Touch. Tashkent 2008.

4. Боқиева Г., Ирискулов А ва бошқ. Touch the Future. Tashkent 2008.

5.BBC English. Follow me. Barry Tomalin. Издательство ИНФРА-М. Copyright@1981 BBC English by Radio and Television.

6.Headstart. Beginner. (Teacher’s Guide. Workbook.) Tim Falla. (Student’s Book.) Briony Beaven with Liz & John Soars. Oxford University Press.

7. Raymond Murphy. English Grammar in Use. A self-study reference and practice book for elementary level. Cambridge University Press.

Илк босқич ишчи дастури

Ўқитиш материаллари: Илк босқич (Zero level)

Мазкур босқичдан таҳсил олишни бошлаётган тингловчилар инглиз тилини мутлақо ўрганишмаган ёки билим савияси ниҳоятда юзаки, олинган маълумотлар деярли ёддан чиққан бўлади. Лотин алифбосидаги ҳарфларни фарқлай олсалар ҳам, инглиз тили графика, орфография ва транскрипция қонун-қоидаларидан бутунлай беҳабардирлар.

Нутқ фаолиятини ўргатиш жараёни		Тил материаллини ўргатиш жараёни				Босқич якунида эришилажак билим, кўникма ва малакалар
Кундалик турмуш даражасидаги инглиз тили	Мутахассисликка оид инглиз тили	Графика	Фонетика	Лексика	Грамматика	
(а) монологик матн: Ўзим ҳақида, Менинг оилам, Менинг шахрим, Менинг дўстим, Предмет ёки шахснинг жойлашувини тасвирлаш, Менинг хонадоним, ...; (б) диалогик матн: саломлашув, хайрлашув, танишиш, стол атрофида учрашув, узр сўраш, манзилга етиб бориш учун зарур маълумотни билиб олиш, ўтиладиган гапларнинг мавзуларини микродиалогларга айлантириш.	(а) давлатчиликка оид мавзулар: Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, Мустақил Ўзбекистон, Ўзбекистон тарихи, АҚШ, Буюк Британия; (б) иқтисодий ҳаётга оид мавзулар: Бизнес ҳақида, Бизнес фаолияти, Кичик ва катта бизнес; Бозор иқтисодиётида инсонларнинг фаолияти, Бозор иқтисодиётида чиқим турлари, ва ҳ.к.	инглиз ҳарфларининг сўз таркибида ёзилган ш қоидалари.	инглиз тилидаги барча фонемаларнинг талаффузи; содда дарак, буйруқ, ундов, сўроқ гапларнинг оҳанги; саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, хол-аҳвол сўраш, вазиятлардаги ибора-ларнинг оҳанглари.	кундалик инглиз тилига оид камида 360-380 сўз ва сўз бирикмалари; мутахассисликка оид камида 130 - 150 атамалар (бу ерда ва бундан сўнг кўрсатилган сўз ва сўз бирикмаларининг сони фақат актив ўзлаштиришга қаратилган сўзларни қамрайди).	кундалик турмуш даражасидаги мулоқот учун мўлжалланган инглиз тилидаги матн-ларда учрайдиган грамматик манба - отларда кўплик, умумий келишик, қаратқич келишигининг инглиз тилида ифодаланиши; отнинг гапда кесим, тўлдирувчи, ўрин холи, эга вазифаларида ишлатилиши; аниқ ва ноаниқ артиклар ва уларнинг ишлатилиши; қаратқич олмошларининг турлари; сифат, сон ва қаратқич олмошларининг аниқловчи вазифасида гапда ишлатилиши; this/these - that/those кўрсатқич олмошлари ва уларнинг гапда ишлатилиши; кишилик олмошлари (бирлик/кўплик); макон ифодаловчи предлоглар; феълнинг ноаниқ шакли, “to be” феълининг ҳозирги замон тасдиқ ва инкор шакллари; “to be” феъли иштироки-даки дарак гапнинг тасдиқ ва инкор шакллари; “to be” феъли иштирокидаки сўроқ гаплар ва уларга жавоб; буйруқ гапларнинг тасдиқ ва инкор шакллари; there is/are; here it is, ..., оборотлари; <u>мутахассисликка оид инглизча матнларда учрайдиган грамматик манба</u> - Present Indefinite шаклида келган феълларнинг иштирокида тасдиқ, инкор ва сўроқ гаплар; сифат даражалари; “can” модал феълининг ишлатилиши; “Who (whom)” иштирокидаги мураккаб гап; “than” сўзини қийёслаш мақсадида, as-ни бўлиб, қилиб маъноларида ишлатилиши; оборотлар “it is easy (difficult, ...) to”, ва ҳ.к.	1. Ҳарфларни фарқлай оладилар, инглиз тилининг ўқиш қоидаларига оид таҳсил якунига етиб қолган (номаълум матнни тушунарли қилиб инглиз тилида гапи-рувчи адресатга ўқиб етказди); 2. Инглиз тили тузилишига оид олган билими ниҳоятда содда суҳбатларда иштирок этишга имконият яратади - учрашув жараёнидаги биринчи жумлалар (саломлашиш, хайрлашиш, ...), илтимос, буйруқни ифода эта билиши, саволни англаб қисқа жавоб бера олиши, тушуниб англаган жумлага тасдиқ ёки инкор жумла-лари билан жавоб қайтара олиши; босқич талабига жавоб берадиган даражада жумлаларни тузиб хатга кўчириши.

Илк босқичга оид адабиёт

Асосий адабиёт

Кундалик турмуш даражасидаги мулоқот учун мўлжалланган инглиз тили *Интерактив электрон дарсликлар рўйхати:*

А.А.Исмаилов, Нигматов Б.Н. “Distant Ta`lim”. Инглиз тилидан мультимедияли электрон дарсликлар мажмуаси (илк босқич - таркибидаги иқтисодиёт ва давлатчилик мутахассислиги материалларининг 1-3 Unitлари);. Давлат патент идораси. Маълумотлар базасининг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома № ВГУ 0023. Ўзбекистон Республикаси маълумотлар базалари давлат реестрида 23.09.2009 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.

Полиграфик кўринишдаги ўқув материаллар вариантлари:

1. А.А.Исмаилов. Short Intensive Computer-Linguaphone Course of Social English. Resource Book. Zero Level. – Tashkent, 2008.
2. А.А.Исмаилов. V.A Fyodorov. Short Intensive Computer-Linguaphone Course of Social English. Home Study Book. Zero Level. – Tashkent, 2008.
3. А.Исмаилов. English for beginners. Teachers Guide. - Tashkent, 1997.

Мутахассисликка оид инглиз тили:

1. А.А.Исмаилов, V.A.Fyodorov, V.B.Lapshin, N.A.Melenevskaya. State and Social Construction ESP. Intensive Computer-Linguaphone Course for Beginners and Further levels. Resource Book. Work Book. Units 1-3. Тошкент, 2008.
2. А.А.Исмаилов, V.A.Fyodorov, Tursunova G.A., Morosova A.O., Bekmatova E.G. Market Economy ESP. Intensive Computer-Linguaphone Course for Beginners and Further levels. Resource Book. Work Book. Units 1-3. - Тошкент, 2008.
